

## МА'NAVIYAT – BU TAQDIRIMIZ, KELAJAGIMIZ



### Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма биринчи ялпи мажлиси тўғрисида

## АХБОРОТ

2019 йил 24 август куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма биринчи ялпи мажлиси иши давом эттирилди.

Мажлисида ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Мажлиси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Сенаторлар ишни "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси бюджетини шакллантириш ва ижро этишининг янги механизмлари жорий этилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини муҳофаза қилишдан бошладилар.

Қайд этилишича, Бюджет кодексига, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида"ги конституциявий қонунларга, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида"ги қонунларга ўзгартишлар киритилмоқда. Шундай механизм жорий этилмоқдаки, унга кўра Олий Мажлис палаталари харажатлар сметалари уларнинг девонлари томонидан бюджет кўмиталари билан биргаликда парламентлараро ва халқаро ҳамкорликка

доир харажатлар ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилади ҳамда Олий Мажлис палаталари Кенгашлари томонидан тасдиқланади.

Сенаторлар таъкидлашича, ушбу қонун қабул қилиниши ҳокимиятнинг олий қонун чиқарувчи органи молиявий мустақиллигини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнг Сенат аъзолари "Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқдилар.

Қонун Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодекси қабул қилиниши муносабати билан ва унинг нормаларини сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормалари билан бирхиллаштириш мақсадида ишлаб чиқилди. Тегишли ўзгартишлар Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, конституциявий қонунларга, "Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига киритилмоқда.

Жумладан, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги

Ўзбекистон Республикаси қонунини норма билан тўлдирilib, унга кўра фуқаролар йиғини халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг аъзолари номзодлари бўйича тавсиялар тақдим этади, халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашларининг мажлисларида муҳофаза қилиш учун участка сайлов комиссияси аъзоларига номзодлар тақдим этади, шунингдек, сайлов комиссиясига ўз кузатувчиларини юборади.

Қонунчилик палатасида Экологик ҳаракат вакиллари учун депутатлар ўринларини квоталаш институти бекор қилиниши муносабати билан "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига, "Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонунларига тегишли ўзгартишлар киритилмоқда. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сўнгра сенаторлар "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жамоатчилик назоратини кучайтиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқдилар.

"Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги

Ўзбекистон Республикаси қонунидан келиб чиқаётган нормаларни амалга ошириш мақсадида "Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида"ги, "Усимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги, "Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги, "Ўрмон тўғрисида"ги, "Радиациявий хавфсизлик тўғрисида"ги, "Психиатрия ёрдами тўғрисида"ги қонунларга жамоатчилик назорати субъектлари киритилмоқда.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Бюджет маълумотларининг очиқлигини ва бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2018 йил 22 августдаги қарорига кўра Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда. Шунга мувофиқ бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирок этиш имконияти, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари маҳаллий бюджетларнинг параметрларини ҳамда уларнинг ижроси ҳақидаги ҳисоботларни Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар халқ депутатлари Кенгашлари томонидан кўриб чиқиш ва тасдиқлаш жараёнининг оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминлайди.

(Давоми 2-бетда)

# Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма биринчи ялпи мажлиси тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда)

## АХБОРОТ

Киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги прогноз йил учун Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг лойиҳалари ҳамда келгуси икки йилга оид бюджет мўлжаллари, шунингдек, Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига юборилишидан олдин уларнинг жамоатчилик муҳокамасини таъминлайди.

Бундан ташқари, "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонунига ўзгартиш ва қўшимча киритилмоқда. Унга кўра, бюджетдан ажратиладиган маблағлардан, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағларидан фойдаланилиши, ўтказилган танловлар (тендерлар) ва олинган товарларнинг етказиб берилиши тўғрисида вазирликлар, идоралар, давлат мақсадли жамғармалари ҳамда бошқа бюджет маблағларини тақсимловчилар томонидан ўз расмий веб-сайтларига жойлаштирилган тегишли ахборот ҳам давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборот жумласига кирилади.

Қонун қабул қилиниши давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини янада кучайтиришга, Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари маблағларидан самарали фойдаланишга хизмат қилиши таъкидланди. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан кейин парламент аъзолари "Хавфсизлик ва мудофаа соҳасидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини қўриб чиқдилар.

Қайд этилишича, қонуннинг мақсади хавфсизлик ва мудофаа соҳасидаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришдир.

Қонун билан Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлиги хизмати ташкил этилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг 12 та қонунига ҳамда 3 та кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлиги хизматининг терроризмга қарши курашиш, тезкор-қидирув фаолияти, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича ваколатлари назарда тутилди.

Ҳарбий тайёргарлик тизимини янада такомиллаштириш мақсадида "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган. Жумладан, Муддатли ҳарбий хизматни офицерлар таркиби лавозимларида ўтаётган офицерлар учун ва муддатли ҳарбий хизматни оддий аскарлар ҳамда сержантлар таркиби лавозимларида ўтаётган ҳарбий хизматчилар учун муддатли ҳарбий хизматни ўташинг ягона муддати белгиланган.

Чақирилувчиларни ҳарбий-техника мутахассисликлари бўйича тайёрлаш Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанларвар" ташкилотининг ўқув муассасаларида эмас, балки Мудофаа ишлари бошқармалари ҳузуридаги чақирилувчиларни ҳарбий-техника мутахассисликлари бўйича

тайёрлаш марказларида амалга оширилиши назарда тутадиган норма киритилмоқда. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сўнгра "Моддий маданий мерос объектларининг муҳофаза қилиниши кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни муҳокама этилди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига, Солиқ кодексига, шунингдек, Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхатига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларда давлат муҳофазасига олинган моддий маданий мерос объектларини нобуд қилганлик, бузганлик ёки уларга шикаст етказганлик, нафақат кўп миқдорда зарар етказган ҳуқуқбузарликни қасддан содир этганлик, балки кўп ва анча миқдорда зарар етказган ҳуқуқбузарликни эҳтиётсизлик туфайли содир этганлик учун жавобгарлик кучайтирилиши назарда тутилмоқда.

Бундан ташқари, давлат муҳофазасига олинган моддий маданий мерос кўчмас мулк объектларининг қўриқланадиган теғраларида, алоҳида муҳофаза қилинадиган тарихий-маданий ҳудудларда, шу жумладан, ўзининг тарихий-маданий қимматига кўра Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган ҳудудларда ва уларнинг қўриқланадиган теғраларида моддий маданий мерос объектлари ҳисобланмаган бинолар, иншоотлар ҳамда бошқа объектларни белгиланган тартибда рухсатнома олмасдан қурганлик ёки бузганлик, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этганлик учун жавобгарлик белгиланмоқда.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш қоидаларини бузганлик, ҳуқуқбузарликларни нафақат қасддан содир этганлик, балки эҳтиётсизлик туфайли содир этганлик учун ҳам жавобгарлик кучайтирилиши назарда тутилди. Ўзгартишлар киритилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси нормалар билан тўлдирилмоқда. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос департаменти ва унинг ҳудудий бошқармалари тегишли равишда моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланишни қўлаб қўлинганде бўлар ҳамда берилган аризалар юзасидан фуқаролик ишлари бўйича судларда, даъволар ва аризалар бўйича иқтисодий ҳамда маъмурий судларда давлат божи тўлашдан озод этилади.

Сенаторлар ушбу қонун қабул қилиниши Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ва Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган объектлар ва ҳудудларни, уларнинг ноёблигини, жаҳон маданияти ва тарихига қўшган бебаҳо ҳиссасини сақлашга, шунингдек, бўлажак авлодга тарбиялашга хизмат қилишига алоҳида ургу бердилар. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан кейин парламент аъзолари "Баъзи давлат органларининг фаоли-

яти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини қўриб чиқдилар.

Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг 12 та қонунига ва 1 та кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилганлиги таъкидланди.

Жумладан, "Маҳалла посбони" жамоатчилик тузилмаси раҳбари лавозими бекор қилиниши ва жамоат тартибини сақлаш бўйича профлактика (катта) инспектори ёрдамчиси лавозими жорий этилиши муносабати билан "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги ва "Ички ишлар органлари тўғрисида"ги, "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига тегишли ўзгартишлар киритилмоқда.

"Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига судьяларнинг чинакам мустақиллигини, судьялик корпусини шакллантириш ва номзоднинг шахси тўғрисида ишончли маълумотлар тўплаш масаласида очиқ-шораликни таъминлашнинг қўшимча механизмлари жорий этилмоқда. Бундан ташқари, "Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига қоида киритилмоқда, унга кўра заҳирага киритилган судьялик лавозимига номзод Судьялар олий мактабда ўқини муваффақиятли тамомлаганидан кейин бўш судьялик лавозимларини тўлдириш учун танловда иштирок этиш тўғрисида бевосита Кенгашга ариза бериш ҳуқуқига эга бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-ижроия кодексларига ўзгартишлар киритилиб, уларда нафақат руҳий касалликлар шифохонасида, балки турар жойидаги руҳий-асаб касалликлари диспансерида (туман, шаҳар) психиатрининг хонасида, яшаш жойидаги умумий тартибли руҳий касалликлар шифохонасининг умумий кузатиладиган бўлимида, умумий тартибли руҳий касалликлар шифохонасининг махсус реабилитация бўлимида тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш ҳуқуқи назарда тутилмоқда.

Қайд этилишича, қонун қабул қилиниши руҳий ҳолати ақли расолиги истисно этмайдиган тарзда бузилган шахсларга нисбатан суд томонидан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашга, бир вақтда уларни жазолаш имкониятини яратишга, психиатрия ёрдами кўрсатишининг амалдаги тизими имкониятларидан тўлиқ ва оқилона фойдаланиш учун шарт-шароитлар яратишга, шунингдек, тиббиёт муассасаларининг судлар, прокуратура органлари, адвокатлар ва тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланиладиган шахслар билан ўзаро муносабатларини тартибга солишга кўмаклашади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сўнгра парламент аъзолари томонидан "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни муҳокама этилди.

Ўзбекистон Республикасининг 3 та қонунига ва 5 та кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда. Жумладан, пенсия ёшига

етган судланганлар ва ногиронлар ижтимоий ҳимоясини кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексига ва "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда. Уларда бевосита манзил-колония жойлашган ердаги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимига ариза бериш орқали манзил-колонияларда жазони ўтаётган, озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларга пенсия тайинлаш, бундай шахсларга пенсия тўловини манзил-колония жойлашган ердаги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимига раҳбарлар томонидан маълумларнинг шахсий ҳисобварақларига ўтказиш орқали тўлаш назарда тутилмоқда.

Айбланувчи, судланувчи суриштирувдан, дастлабки терговдан ва суддан бўйин товлашининг олдини олиш, уни бундан кейинги жиноий фаолиятининг олдини олиш, ҳукмнинг ижро этилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига "Паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишни тўхтатиб туриш" деб номланган янги бўб киритилган. Паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишни тўхтатиб туриш фақат давлатларга ёки халқаро қидирув эълон қилинган айбланувчига ёки судланувчи шахсга нисбатан қўлланилади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига норма билан тўлдирилмоқда. Унга кўра, меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик, вояга етмаган шахсларнинг меҳнатидан фойдаланишга йўл қўйилмаслиги тўғрисидаги талабларни бузганлик, иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларини бажармаганлик, вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик, ҳомилдорлик ва туғиш нафақаларини тўлаш бўйича мажбуриятдан бўйин товлаганлик, аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик, меҳнатга маъмурий тарзда мажбурлаганлик, бўш иш ўринларини яширганлик учун маъмурий жавобгарлик кучайтирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексига эркаклар ва аёллар учун никоҳ ёшини ўн саккиз ёш этиб белгиловчи норма киритилганлиги муҳимлиги қайд этилди. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сўнгра сенаторлар Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларини ратификация қилиш тўғрисидаги қатор қонунларни маъқулладилар. "Халқаро меҳнат ташкилотининг саноат ва савдо меҳнат инспекцияси тўғрисидаги 81-сонли Конвенциясини (Женева, 1947 йил 11 июль) ратификация қилиш ҳақида"ги, "Халқаро меҳнат ташкилотининг қишлоқ ҳўжалигида меҳнат инспекцияси тўғрисидаги 129-сонли Конвенциясини (Женева, 1969 йил 25 июнь) ратификация қилиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни тўғрисида"ги, "Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги Конвенцияга (Кишинев, 2002 йил 7 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни тўғрисида"ги, "Халқаро

(Давоми 3-бетда)

# Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма биринчи ялпи мажлиси тўғрисида

(Давоми. Боши 2-бетда)

## АХБОРОТ

узумчилик ва виночилик ташкилотини таъсис этиш тўғрисидаги Битимни (Париж, 2001 йил 3 апрель) ратификация қилиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни тўғрисидаги қонунлар шулар жумласидандир.

Шундан сўнгра парламент аъзолари Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг таркибига ўзгаришлар киритиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқдилар. Ушбу масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тегишли қарори қабул қилинди.

Сўнгра сенаторлар Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ички ишлар органларининг жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш соҳасидаги фаолияти тўғрисидаги ахборотини эшитдилар.

Муҳокама чоғида ҳуқуқ-тартибот ва қонунийликни таъминлаш жаҳият ҳаётининг алоҳида аҳамиятга эга бўлган соҳаси эканлиги қайд этилди. Айнан шу сабабли сўнги йилларда мамлакатимизда жиноятларга қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг мутлақо янги механизмларини яратишга эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 декабрдаги "Жамоат ҳавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилиниши билан бу борадаги ишлар сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. Унинг асосида ҳудудларни бириктирган ҳолда жаҳият ҳавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ишларни мувофиқлаштириш Бош прокурор, ички ишлар вазири ва Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси кўмондони зиммасига юклатилди.

Бу мазкур йўналишда сезиларли натижаларга эришиш имконини берди. Жумладан, жорий йилнинг олти ойи натижалари бўйича жиноятлар умумий сони 32,1 фоизга камайди, жиноятчи қилдирув йўналишида эса уларнинг сони 41,7 фоизга камайди. Республикадаги 9093 та маҳалланинг 5747 тасида ёки 63 фоизда бирорта ҳам жиноят содир этилмади.

Ички ишлар органлари, шу жумладан, профилактика хизмати тизими тубдан ислоҳ этилиши, бу соҳадаги фаолиятни мунтазам мувофиқлаштиришнинг йўлга қўйилиши, энг асосийси, жамоатчилик ва фуқаролар фаол иштирокларининг таъминлини бундай ютуққа эришишда муҳим омили бўлганлиги қайд этилди.

Шу билан бирга, жиноят статистикаси таҳлили қонун устуворлигини таъминлаш, жиноятларни камайтириш ва барвақт олдини олиш учун ўз ечимини кутаётган кўплаб муаммолар борлигини кўрсатмоқда.

Жумладан, ҳуқуқбузарликлар умумий таркибида оғир ва ўта оғир жиноятлар улуши ўтган йилнинг шу даври билан таққослаганда 2,7 фоизга кўпайди. Сурхондарё вилоятида қайд этилган жиноятларнинг 38 фоизи, Тошкент шаҳри ва Хоразм вилоятида қайд этилган жиноятларнинг 30 фоизи, Навоий, Наманган ва Жиззах вилоятларида қайд этилган жиноятларнинг 25 фоизи жиноятларнинг айнан шундай тоифасига кирди.

Шу муносабат билан сўзга чиққанлар қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича ички ишлар органлари фаолиятини янада кучайтириш зарурлигини

таъкидладилар. Муҳокама этилган масала юзасидан Сенатнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Шундан кейин сенаторлар Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги зиммасига юкланган вазифаларни бажариш бўйича фаолияти тўғрисидаги ахборотини эшитдилар.

Мамлакатимизнинг ташқи сиёсий идораси ўз фаолиятида асосий эътиборни Ташқи сиёсий фаолият концепциясида ҳамда "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили" Давлат дастурида белгиланган вазифаларни бажаришга қаратаётганлиги таъкидланди.

Ташқи ишлар вазирлигига юкланган вазифаларни ҳал этишда халқаро, давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорликни янада кучайтиришга ургу берилганлиги қайд этилди. Жумладан, парламент билан яқин ҳамкорлик доирасида юқори даражадаги ташрифлар якунлари бўйича эришилган келишувларни амалга оширишга оид "йўл хариталари"ни ижро этиш юзасидан эшитилган тинглаш амалиёти йўлга қўйилди.

Мамлакат иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилиш, экспорт ҳажминини ва хорижий туристлар оқимини ошириш Ташқи ишлар вазирлиги зиммасига юкланган яна бир муҳим вазифа ҳисобланади. Уни рўёбга чиқариш мақсадида мамлакатимизнинг барча дипломатик ваколатхоналари мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини мустаҳкамлаш, унинг ташқи иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ва тарғиб қилиш бўйича аниқ мақсадга қаратилган иш олиб бормоқда. Хусусан, Ўзбекистоннинг хориждаги дипломатик ваколатхоналари томонидан иқтисодиётнинг турли соҳаларида амалга ошириш кўзда тутилган 5 миллиард 250 миллион долларлик 250 дан ортиқ инвестиция лойиҳаси ишлаб чиқилганлиги таъкидланди. Бундан ташқари, ҳуқуқматлараро комиссияларнинг 800 дан ортиқ инвестиция бизнес-форуми ва мажлиси ўтказилди. Салоҳиятли хорижий инвесторларнинг Ўзбекистонга 1600 дан ортиқ ташрифи ва мамлакатимиз иқтисодий идораларининг хорижга қарийб 700 та ташрифи ташкил этилди.

Бундан ташқари, виза режими янада эркинлаштириш мақсадида 2019 йил 5 январда Ўзбекистон Президентининг "Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони қабул қилинди. 65 та давлат фуқароларига 30 кунлик муддатга визасиз режим белгиланди, фуқаролари электрон кириш визасини олиш имкониятига эга бўлган мамлакатлар рўйхати 77 тага оширилди, қўшимча (электрон бўлмаган) кириш визалар тоифалари жорий этилди ("Vatandosh", "Student visa", "Academic visa", "Medical visa" ва "Pilgrim visa") ҳамда хорижий мамлакатлар фуқароларига Ўзбекистон Республикасида кўчмас мулкни сотиб олган тақдирда яшаш гувоҳномасини олиш ҳуқуқи тақдим этилди. Жорий йилнинг май ойида фуқаролари учун туризм визаларини расмийлаштиришнинг соддалаштирилган тартиби татбиқ этиладиган мамлакатлар сони 77 тага етди.

Илк бор Тошкентда Марказий Осиё мамлакатлари бош вазирлари ўринбосарлари иштирокида минтақавий иқтисодий форум ўтказилди. Унда

Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистон идоралари ва ишбилармон доираларининг 200 дан зиёд вакили қатнашди. Бу тадбир давлат ташқи сиёсатида асосий устувор минтақа ҳисобланган Марказий Осиёда Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан олиб борилаётган ишларнинг мантиқий давоми бўлди.

Ўзбекистоннинг дипломатик ваколатхоналарига республиканинг муайян ҳудудлари бириктирилганлиги Наманган вилояти мисолида яна бир бор ўзининг самарадорлигини кўрсатди. Жумладан, Ташқи ишлар вазирлиги ва Ўзбекистоннинг хориждаги 18 та элчихонаси томонидан ҳозирги вақтда Наманган вилояти ҳокимлиги билан яқин ҳамкорликда 1,67 миллиард долларлик инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда. Шундан жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида 122,7 миллион доллар ўзлаштирилди.

Шунга қарамай, ягона ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий сиёсат олиб боришда Ташқи ишлар вазирлигининг мувофиқлаштирувчи ролини инобатга олиб, савдо-иқтисодий, инвестициявий ва туристик ҳамкорлик масалалари бўйича хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик ва идоралараро мувофиқлаштириш ҳанузгача тизимли ва самарали йўлга қўйилмаганлиги қайд этилди. Яқин ва ўртача истиқболда ўзида натижадор чора-тадбирларни мужассамлаштирган комплекс идоралараро режа ишлаб чиқиш масаласи ҳали ҳам долзарбликка эга қолмоқда.

Мажлисида мамлакатнинг ташқи сиёсий идораси фаолиятини янада тақомиллаштириш, халқаро, давлат ва нодавлат ташкилотлар билан вазирликка юклатилган вазифаларни бажариш юзасидан ҳамкорликни ривожлантириш зарурлиги қайд этилди. Муҳокама якунлари бўйича Сенатнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Сўнгра сенаторлар Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раисининг ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идораларнинг туризмни ривожлантириш соҳасидаги ислохотлар амалга оширилишининг бориши тўғрисидаги ахборотини эшитдилар.

Сўзга чиққанлар кейинги йилларда Ўзбекистонда туризм индустриясини ривожлантириш, шу жумладан, имкон қадар қулайлик яратиш, тармоқнинг рақобатбардошлигини янада ошириш, қўшимча қўшимча туризмни ривожлантириш хизматлари тақдим қилиниши яхшилаш ва жаҳон бозоридан миллий туристик маҳсулотни фаол танитиб бориш бўйича изчил чора-тадбирлар кўрилганлигини қайд этдилар.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган мисли кўрилмаган чора-тадбирлар туризмни ривожлантиришнинг қонунчилик ва институционал асосларини тақомиллаштиришга кучли туртки берди. Мисол учун охириги икки йилда 50 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди, уларнинг 13 таси жорий йилнинг 8 ойи давомида қабул қилинди. Асосий мақсад – туризм индустриясини Ўзбекистон иқтисодий тараққиётининг драйверларидан бирига айлантириш, қишлоқ жойларда, тоғли ҳудудларда ва олис туманларда аҳоли бандлигини ошириш ва янги даромад манбаларини яратишдир.

Тизимли ишлар тўғрисида туристлар оқимини ошириш, инфратузилмани модернизациялаш, виза режими

эркинлаштириш борасида сезиларли натижаларга эришишга муваффақ бўлинди. Масалан, энг либерал виза режими рейтингда Ўзбекистон МДҲ мамлакатлари орасида иккинчи ўринни эгаллади. Биринчи ярим йиллик якунлари бўйича мамлакатимизда бўлган хорижлик туристлар сони 3 миллиондан ортиқ кишини ташкил этди, бу эса 2018 йилнинг мос даврига нисбатан 31 фоизга кўпдир.

Турист хизматлар экспорти ҳам ошмоқда. Бундай хизматлар ҳажми 2018 йилда 1 миллиард 40 миллион долларга етди. 2019 йилнинг биринчи ярим йиллигида бу кўрсаткич 590,5 миллион долларни ташкил этди. Бундай тенденция ва миқдорий натижалар ҳам туризм инфратузилмаси объекти ривожига таъсир кўрсатмоқда. Жумладан, хорижий туристлар мамлакатимизда узоқроқ вақтга қолаётганлиги туфайли уларни жойлаштириш билан боғлиқ масалалар кўпайди, бу эса туризм инфратузилмаси объекти ривожига бандликка ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Шу билан бирга, бу соҳада ҳам қатор муаммолар мавжуд. Масалан, бир қатор алоқадор вазирликлар ва идораларда туризмни ривожлантириш масалалари фақат Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси масъулият доирасига кирди, деган янглиш тасаввур пайдо бўлганлиги таъкидланди. Шу сабабли идоралараро мувофиқлаштириш заиф эканлиги маълум қилинмоқда. Бу қоидалари давлатнинг туризм соҳасидаги сиёсати кўпинча мос келмайдиган айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилаётганлиги ва қабул қилинаётганлигида акс этмоқда.

Алоқадор вазирлик ва идоралар мамлакатимиз туризм салоҳиятини оширишда фаоллик кўрсатаётгани қайд этилди. Мисол учун, шу нуқтани назардан Маданият вазирлиги узоқ вақт мобайнида Ўзбекистон музей ва театрларининг туристлар учун жалб этувчанлигини ошира олмаганлиги, музей фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий эта олмаганлигини айтиш мумкин.

Транспорт инфратузилмасидан фойдаланиш имконияти ва унинг қулайлиги ҳали ҳам ҳал этилмаган қолмоқда. Авиачипталарга нарх қўйиш, темир йўл транспорти хизматлари нархи ва сифати ўртасидаги фарқ, ички автотранспорт йўналишлари тармоқининг ривожланмаганлиги кўплаб саволлар тудирмоқда. Темир йўл, авиа ва автотранспорт чипталарини онлайн бронлаш тизими ҳозирги кунга қадар жорий этилмаган. Бу омиллар ички ва ташқи туризм ривожига жиддий тўсиқлик қилаётди.

Шу муносабат билан сенаторлар туризм соҳасида тўпланиб қолган муаммоларни ҳал қилиш бўйича қатор тақлифлар билдирдилар. Ушбу масала юзасидан Сенатнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Олий Мажлис Сенатининг йигирма биринчи ялпи мажлисида жаҳият ҳаётининг барча соҳалари ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг самарадорлигини оширишга, халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган 26 та масала, шу жумладан, 16 та қонун кўриб чиқилди.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма биринчи ялпи мажлиси ўз ишини якунлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Ахборот хизмати

# O'N NAFAR AYOL OILASI BAG'RIGA QAYTDI

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг кафилиги остида 10 нафар аёл озодликка чиқиб, oilаси бағрига қайтди

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ўртасида 2018 йил 20 июлда имзоланган Меморандум асосида жазони ўташ муассасаларидан аёллар озод этилмоқда ва жазо муддатлари қисқартирилмоқда.

Жорий йилнинг ўтган олти ойида жазони ўташ муассасаларида жазо ўтаётган 227 нафар аёлнинг жазоси

енгилроғи билан алмаштирилди. 51 нафар аёл жазони ўташдан шартли озод қилинди, 131 нафар аёлга Хотин-қизлар кўмитаси кафилиги асосида озодликдан махрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий судида ўтказилган очиқ суд мажлисида жазони ўташ муассасасида жазо ўтаётган 11 нафар аёлнинг назорат тартибидан берган шикоят аризаси кўриб чиқилди.

Олий суд раиси ўринбосари Х. Ёдгоров раислигида ўтган очиқ суд мажлисларида ҳар бир аёлнинг назорат тартибидан берган аризаси қонун доирасида батафсил кўриб чиқилди. Маҳкума аёлларнинг жазонинг асосий қисмини ўтагани, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, жазони ўташ жараёнида ўзини ижобий жиҳатларини намоён этиб, муассаса раҳбариятининг ташаккурномасини олгани эътиборга олинди.

Суд мажлисларида



Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси раиси ўринбосари Гулнора Маърупова ҳамда кўмитанинг Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш бўлими бошлиғи Озода Исламова иштирок этди.

Суд ажрими билан содир этган жинояти учун тайинланган жазонинг асосий қисмини ўтагани, қилмишига иқрор ва пушаймон бўлгани, ёши ҳамда Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг

кафолати хати инobatга олиниб, 10 нафар аёл жазодан муддатидан олдин озод қилиниб oilаси бағрига қайтди. Бир нафар маҳкума аёлнинг жазо муддати қисқартирилди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси  
Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар хизмати.



## Bir KAFTGINA TUPROQ berdim...

Шарқшунослик институтида тахсил олаётган танишим Моҳира малака ошириш ниятида Малайзияга бориб, бир олам таассуротлар билан Ўзбекистонга қайтди. У ўз таассуротларини тўлқинланиб айтиб берди:

– Малайзияга борганимиздан кейин, икки кун ўтгач, шаҳарнинг бозорларини томоша қилгимиз келди. Бозорга бориб, у ердаги маҳсулотларни кўриб ҳавасимиз келди. Ўша ерда бир ўзбек аёли билан танишиб қолдик. У дугонам иккимизни сўроққа тутта бошлади.

– Қизим, ўзбекистонликмисизлар? – сўради кўзлари чақнаб.

– Ҳа, ўзбекистонликмиз. Бу ерга бир ойга малака оширишга келгандик, – дедим ажабланиб унинг ўзбек тилида гапираётганига лол қолиб.

– Хайрият, ватандошларимни ҳам кўрадикан кун бор экан. Энди бизникига меҳмонга борасизлар. Бормаганингизга қўймайман ҳам, – дея аёл севинганидан йиллаб юборди.

Дугонам менга қаради. Мен эса елкамни қисиб “тушунмадим” дегандек имо-ишора қилдим.

Бояги аёл бизнинг жавобимизни ҳам кутмасдан қўлимиздан маҳкам тутганича машинаси томон етаклади. Биз ҳам “ватандош” деган сўзидан қувониб, аёлнинг ортидан машинасига чиқдик.

Машина ҳашаматли ва салобатли бир уй қаршида тўхтади. Аёл автомашинасининг сизгарини уч марта босди.



Бироздан сўнг аёлнинг ўзига ўхшаган, қош кўзи қоп-қора, юзи худди сутга чайиб олингандек оппоқ бир қиз дарвозани очиб, қўлини кўксига қўйганча бизга салом берди. Машинадан тушгач, аёл бизни меҳмонхонасига бошлаб қизига буурди:

– Ватандошларимиз келишди, тез чой олиб кел!

Эндигина стулларга ўтирган ҳам эдикки, бояги қиз бир зумда патнис тўла ноз-неъматлар билан олдимизга кириб келди-да, соф ўзбек тилида:

– Хуш келибсизлар, – деди жилмайибгина.

Шундан сўнг бир пиёла чой устида

аёл билан танишдик. Иسمи Бибисора экан. Бир пайтлар Шарқшунослик институтида ўқиб, иш юзасидан шу ерларга келиб, яшаб қолган экан.

Юртдошимизнинг уйда ҳамма нарсаси муҳайё, шарт-шароитлар етарли эканини кўриб, тўғриси ҳавасимиз келди. Аяжоним тандирга ёпиб берган нондан бир донаси қолганди. Тушлик қилса, шуни ҳам еймиз, деб ўйлаб сумкамга солгандим. Аёлнинг меҳмоннавозлигини кўриб, ўша нонни дастурхон устига “Ўзбекистондан, мазорбости нон” деб қўйдим.

Аёл нонга бир зум термулиб қолди. Сўнгга қўллари титраганича нонни олиб, кўзларига суртиб ўпди. Унинг кўзларида ёш милтирарди. Эҳтимол, у шу тубда, онасининг ёпиб берган нонларини эслагандир. Дугонам билан мен хайрон бўлганимизча бир-биримизга қардик. Ўртага бир зум сукунат чўмди. Шундан сўнг аёл тилга кирди:

– Онажоним тандирда ёпиб берадиган кулчаларни соғиндим. Афсуски, меҳрибоним ҳам вафот этди. Уларнинг сўнги сўзларини эшитолмай армонда қолдим, – дея у хўнграб йиллаб юборди. – Сизлар ҳеч қачон чет мамлакатда яшашни орзу қилманглар, – дея бироздан сўнг кўз ёшларини артиб гапида давом этди Бибисора опа. – Чунки, бир умр Она тупроқ, Она Ватанингизни

соғиниб, унга илҳақ бўлиб яшаркансиз. Худога шукр, ҳаётимдан нолимайман. Малайзияга келиб, турмуш ўртоғим билан танишдим. Хўжайним жуда одамохун, меҳрибон ва ғамхўр инсон. Фарзандларим шу ерда туғилди, шу гўшада вояга етишди. Ёшлигимда ота-онам, айниқса онажоним, мени Малайзияга узатишга роса қаршилиқ кўрсатди. Мен бўлсам, онамни бир амаллаб рози қилгандим. Кўзларида ёш билан узатдилар. Дастлаб бир йилда бир марта ота-онамни кўргани бориб турдим. Кейин эса фарзандларимга ўраллашиб, вақтида улардан хабар ололмадим. Ота-онам эса меникига бир мартабада келиши холос.

Ушанда ёш бўлганим учунми, бу ерда яшашга осонгина кўникиб кетдим. Дастлабки йилларда ватандошларимдан анча йироқдалигим ҳам сезилмасди. Уйдагиларни соғинсам, дарҳол кўнгироқ қилиб, галлашиб турардим.

Энди эса ёшим ўтган сари Ватан соғинчи жуда-жуда билинъяпти. Икки-уч йилда бир Тошкентга борсам, Малайзияга қайтгим келмайди.

Киндик қонинг тўкилган жой барибир барча нарсадан азиз бўлиб қоларкан. Умр йўлдошимга: “Мабодо, бир кун қазоим етиб қолса, илтимос, мени Тошкентга олиб бориб, ота-онам ётган Чигатой қабристонига қўйинг”, дея бот-бот тайинлайман.

Бибисора опа билан узок суҳбатлашдик. Улар бизни сираям қўйиб юбормасликка ҳаракат қиларди. Аммо биз борадиган жойимизга улғуршимиз лозим эди. Шунинг учун Бибисора опа билан хайрлашиб ортимизга қайтдик.

Шундагина бир нарсани тушуниб етдик. Инсоннинг барча нарсаси бўлса-да, аммо Ватанидан узок бўлса юрагининг бир чеккасида кемтиклик бўларкан. Шу ўринда бир шоирнинг қуйидаги сатрлари ёдимга тушди:

**Билмай босиб чумолини,  
Гуноҳимга сўроқ бердим.  
Ватан не деб сўрганларга,  
Бир кафтгина тупроқ бердим...**

Хонбиби ҲИММАТ қизи

oilavajamiyat@mail.ru

Киндик қонинг тўкилган жой барибир барча нарсадан азиз бўлиб қоларкан. Умр йўлдошимга: “Мабодо, бир кун қазоим етиб қолса, илтимос, мени Тошкентга олиб бориб, ота-онам ётган Чигатой қабристонига қўйинг”, дея бот-бот тайинлайман.



# Islom shiorlari o'yinchoq emas,

## ularni kamsitishga hech kimning haqqi yo'q

Юсак тараққий этган ахборот технологиялари асрида яшаймиз. Тонгда уйғонишимиз билан “ақлли” телефонни қўлга олиб, ижтимоий тармоқларга киримиз. Бу – дунёдаги аксарият одамнинг одати. Шу тариқа ҳар ким истаса-истамаса, ўзини ахборот майдони ичра кўради. Кимлардир бу майдонда – тарқатувчи, кимлардир – оддий иштирокчи, кимлардир – ўша ахборотларнинг қурбони, кимлардир эса – шунчаки кузатувчи...

Афсуски, ахборот тарқатиш борасидаги мутлақ эркинлик баъзида тарбия-сизликка сабаб бўлиб қолмоқда. Хусусан, сўнгги пайтларда тарқатилаётган лавҳалар орасида ҳақоратли сўзлар, тўхматли иборалар, муайян шахсларни обрўсизлантириш, қасд қилинган тасвирлар кўпайиб бормоқда. Энг ёмони, уларнинг аксарияти бир гуруҳ троллар ёки “фейк”, яъни сохта аккаунтлар томонидан уюштирилмоқда. Бу қилмишлар ортида қандай ғаразлар ётгани жумбоқ...

Айниқса, бундай номақбул хатти-ҳаракатлар исломий қадриятлар борасида ҳам учраётгани кишини янада кўпроқ ташвишга солмоқда. Қурбон ҳайити арафасида ижтимоий тармоқларда қурбонликка ҳозирланган жонлиқларнинг келинлик либосида, мусиқа садоси остида тасвирланган ёки шунга ўхшаш видеотасвирлар тарқатилди. Илло, айрим интернет фойдаланувчилари қурбонлик ҳам – ислом шиори эканини билганларида эди, балки бундай қилмаган бўлардилар.

Аллоҳ таоло ислом шиорларини қадрлашга тарғиб қилган ва уларни топташ, масҳара қилишдан қайтарган. Жумладан, Ҳақ таоло Қуръони каримда бундай дейди: “Эй, имон келтирганлар! Аллоҳнинг (ҳажга доир) шиорларини, “Ҳаром ой” (ҳаж ойлари)ни ҳалол деб ҳисобламанинг...!” (Моид сураси 2 оят). Яна бир ояти каримада: “(Гап) шудир. Яна кимки Аллоҳнинг шиорлари (қурбонликлар)ни улуг деб билса, бас, албатта, (бу) дилларнинг тавқосидандир” (Ҳаж сураси 32 оят), – деб хитоб қилган.

Ислом таълимотига кўра “шиор” сўзи “нишон”, “белги”, “аломат” маъноларини билдиради. Яратган Парвардигоримиз Аллоҳ таолонинг динининг кўзга кўринган ва шон-шавкатининг аломати бўлган нарсалар шиор ҳисобланади.

Масалан, Қуръони карим, унинг тивовати, азон;

Аллоҳ таоло фарз қилган намоз, рўза, закот, ҳаж каби динимиз устуни бўлган ибодатлар;

шариатимизда улуғланган зотлар – пайгамбарлар, саҳобалар, тобеинлар, авлиёлар, уламолар, илм ахллари;


Қаъбатуллоҳ, Маккаи мукаррама, oilavajamiat@mail.ru

Мадинаи мунаввара, Мино, Арафот, Қуддуси шариф каби жойлар, масжидлар;

муҳим саналар – жума куни, Рамазон ойи, муқаддас ойлар; қолаверса, ибодат буюмлари бўлмиш тасбеҳ, салла жойнамоз ва ҳоказо.

Аллоҳ таоло Ўзининг каломи мажиди (Ҳаж сураси 36 ояти)да бундай марҳамат қилади: “(Қурбон қилинадиган) туя ва сигирларни Биз сизлар учун Аллоҳнинг шiorларидан қилдик. Сизлар учун уларда яхшилик бордир. Бас, уларга (сўйиш учун) саф тортган ҳолларида Аллоҳ номини зикр қилингиз!”.

Ушбу ояти каримада қурбонликка сўйиладиган ҳайвонлар ҳам Аллоҳнинг шiorларидан (!) экани таъкидланмоқда. Ҳамда буларда бизлар учун яхшилик борлиги эслатилмоқда. Оятнинг



мазмунидан қурбонликка аталган жониворларни ҳурматлаш, авайлаш ва эъозлаш – Худодан кўрқилиш аломатларидан экани аён бўлади.

Аввалроқ айтганимиздек, сўнгги пайтларда баъзи инсонларнинг ҳайит арафасида ижтимоий тармоқлар орқали қурбонлик қилинадиган ҳайвонларни расмларига ишлов бериб, турли масҳараомуз муносабатда бўлиб, бу ишининг оқибатини билмасдан гуноҳ ортириб олаётгани эса ачинарли ҳолат, билимсизлик, авомлик, боринги, жоҳиллик деса ҳам бўлаверади.

Аллоҳ таолонинг шиорларини оёқости қилиш, улардан бирортасини масҳара қилиш, камситиш, беҳурмат қилиш, хўрлаш, менсимаслик, хор қилиш мўмин кишининг кофир бўлишига сабаб бўлади.

Савбон разияллоху анҳудан ривоят қилинган ҳадиси шарифда Пайгамбаримиз соллаллоху алайҳи ва саллам шариатнинг шиорини паст санаганларни қаттиқ қоралаб бундай

деганлар: “Аниқ биламанки, умматим ичидаги баъзи кимсалар Қиёмат кунинда Тихома тоғи каби улкан ҳасанотлар билан оппоқ бўлиб келишади, лекин Аллоҳ таоло уларнинг амалларини тўзиган чанг каби қилиб қўяди”.

Шунда Савбон разияллоху анху: “Ё Расулulloҳ, бизга уларни сифатлаб, очик баён қилиб берсангиз, билмасдан ўшалардан бўлиб қолмайлик!” – деди. Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: “Улар сизларнинг биродарларингиз, сизларга ўхшаган одамлардир. Улар ҳам сиз каби тунлари ибодат қилади. Лекин улар шундай одамларки, ёлғиз қолган вақтларида шариатнинг шиорларини топтайдилар”, – дедилар (Имом Ибн Можа ривоятлари).

Динимиз уламолари ўзларининг фатволарида бундай дейишган: “Ким азонни масҳара қилса ёки Қуръони каримни энгил санаб оёқ ости қилса,

қилганлар! ЎЗГАЧА МЕҲР билан муносабат қилганлар! У одоб – БЕТАҚРОР ОДОБ!!! У меҳр – БЕҚИЁС МЕҲР!!!

Имом Абу Довуд Абу Умома разияллоху анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васаллам айтдилар: “Ўзи ҳақ бўлса ҳам талашиб-тортишмаган киши учун – жаннат чеккароғидан уй берилишига, ҳазиллашиб бўлса-да ёлғон гапирмаган киши учун – жаннатнинг ўртасидан уй берилишига, хулқини гўзал қилган киши учун эса – жаннатнинг энг юқори қисмидан уй берилишига мен кафилман” (Имом Абу Довуд ривоятлари).

Минг афсуски, ҳозирги кунда баъзилар шундай чиройли ишларга, жаҳон мамлакатлари ва ўзга дийрлар ичинда “Ўзбек халқининг ноёб ва гўзал одоблари” деб тан олинган одобларига белгисанд бўлиб, “ҳеч нарса қилмайди” қабилдаги гапларни айтиб, ота-оналаримиз бетакрор ва беқиёс меҳр билан бажариб келган бетакрор ва беқиёс динимизнинг бетакрор ва беқиёс одобларини йўққа чиқаришга уринмоқдалар. Ваҳоланки, шайтон муслмон кишининг биринчи бўлиб имонига ҳужум қилмайди, балки биринчи бўлиб муслмон кишини мустаҳаб ва одоб бўлган амалларга безътибор қилишга уринади. Агар ғолиб чиқса, дастлаб суннатга, кейин вожибга, сўнг фарз амалларга берпарво қарашга уринади. Агар муслмон кимсани фарз амалга ҳам эътиборсиз қилишга эришса, алаҳоқибат, Аллоҳ сақласин, имонига ҳам ҳужум қилиб, натижада имондан ажратади!!!

Шундай экан, ҳар биримиз ота-боларимизнинг йўналишларини маҳкам ушлаб, бarchа мустаҳаб ва одоб амалларга тўла амал қилиш ҳамда динимиз шиорларига одоб ва ахлоқ билан муомала қилишимиз – бетакрор динимиз талабидир!!!

Демак, юқоридаги ҳукмлар жонлиқлар билан боғлиқ ғалати ҳолатларни тарқатаётган кишиларга сабоқ бўлиши керак. Улар ҳам исломий қадриятларга пурут етказиш эъзизига кўнгилхушлик ила омманинг эътиборини жалб қилиш оғир гуноҳ эканини англаб етсинлар.

Яна бир жиҳат, сўз эркинлиги дегани – исталган нарсани ҳеч қандай масъулиятни ҳис қилмасдан айтиш, ёзиш, тарқатиш дегани эмас. Балки ҳар бир сўз учун жавоб бера олиш масъулиятдир.

**Оғзига келганини демоқ –  
нодоннинг иши,  
Олдига келганини емоқ –  
хайвоннинг иши,**

деб бежиз Алишер Навоий бобомиз ёзмаган.

Ҳар бир интернет фойдаланувчиси айтаётган гапи, тарқатаётган ахбороти учун Аллоҳ таоло олдида ҳам, мўмин-муслмонлар олдида ҳам, жамият аъзолари ва давлат қонунлари олдида ҳам жавобгардир! Бу меъёр дунёвий қонун-қоидаларда ҳам, диний таълимимизда ҳам қатъий белгилаб қўйилган!

Бир сўз билан айтганда, “фейк” аккаунтлар ёки троллар юритувчилари муборак динимиз шаънига доғ солувчи лавҳалар, бузғунчи шарҳлар, ҳақоратли сўзлар, таҳқирлашлари учун икки дунёда ҳам жавоб берадилар.

Илоҳо, ўзларимизни ҳам, фарзанд-зурриётларимизни ҳам меҳрибон Парвардигоримиз бюруган, жаноб Пайгамбаримиз соллаллоху алайҳи ва саллам тавсия этган, ўтмишда ўтганларимизни руҳлари шод бўладиган, халқимиз хурсанд бўладиган, ота-оналаримиз рози бўладиган йўллардан юришимизни насиб этсин!

**Иброҳимжон ИНОМОВ,  
Ўзбекистон муслмонлари  
идораси раиси ўринбосари**

# YASHILLIKDAN YASHNAGAY OLAM

Халқимизнинг энг яхши одатларидан бири, бу ўз оиласини, маҳалласини, уйини, теварак-атрофни тоза ва озода тутишидир. Бу одат аввало, тонг саҳарданоқ келинчакларнинг, қиз ва аёлларимизнинг кўча супуришларидан бошланади.

Агар эрталаб кайфиятимиз ёмонроқ аҳволда бўлса, кимнингдир кўчасини сув сепиб, супурилгани ёки эшиги олдида очилиб турган ранг-баранг гуллар, ям-яшил мева солиб, солланиб турган даракларни кўрсак, беихтиёр ўз-ўзидан кайфиятимиз кўтариллади. Бундан ташқари, шу хонадон эгаларига ҳавас қилганча биз ҳам шундай бўлишга, ҳовли ва кўчаларимизни ана шундай файзли, тоза ва озода тутишга ҳаракат қиламиз.

Шаҳарликларнинг бир одати менга жуда ёқади. Улар хоҳ ҳовлида, хоҳ "кўп қаватли уйда" яшамасин, эшик олдидаги бир парча ерга ҳам шотут, ўрик, анжир ёки хурмо дарахти экилганини, анвойи гуллар очилиб турганини кўрамиз. Кўчадан ўтган ҳар қандай йўловчиларнинг диққатини тортадиган бу ҳолат кишини эзгу туйғулар сари етаклайди.

Бу туйғулар замирида аввало, табиатга, оилага, ҳаётга, асосийси, она, Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат, ҳурмат ва эътиқод ётадики, буни тил билан эмас, дил билан, меҳнат билан ҳам ана шундай изҳор қилиш мумкин.

Ҳа, орасталик, тоза-озодалик нафақат руҳни, кайфиятни ҳам кўтариб, инсоннинг саришталлиги, файзлиги ва фаросатлигидан дарак беради.

Оддий мисол, сиз иш ёки меҳмондорчилик билан ўзга хонадонга ташриф буюраркансиз, шу хонадоннинг тоза ва тартиблиги диққатингизни тортади. Бундай хонадондан ниманидир ўрганиб кетишга ҳаракат қилиш билан бирга, унинг дастурхонидан ҳам иштаҳа билан тановул қиласиз. Кетар чоғингизда "Шу хонадоннинг бирор қизи



бормикин", дея келин олишни ҳам орузният қиласиз.

Агарда бунинг акси бўлса-чи? Айтайлик, бировнинг тавсияси билан қизи бор хонадонга совчиликка ҳам бордингиз. Ҳовлидан киришингиз билан бир парча ерни ўт босиб ётгани-ю сула бурчагида тўплаб қўйилган бир уюм ювилмаган кир ёки эшик тагида қалашиб ётган пойма-пой оёқ кийимларга кўзингиз тушгач, "Адашиб кирмадимми?" дея хонадон кизини сўраб ҳам ўтирмай, орқангизга қайтасиз.

Ҳа, "Тозалик бор жойда саришталлик бўлади", деб бежизга айтишмайди. Яна "Қизи ўнга кирса, она сонга киради", деган нақл ҳам бор. Бу бор гап. Бекаси сўровсиз оиланинг қизи 10 ёшга кириб, супурги ушлаб, коса-товоқ ювадиган бўлгач, ўша хонадоннинг юзи кўрина бошлайди. Буни бир кўшнимиз мисолида ҳам гувоҳи бўлганмиз. Ўша кўшнимизнинг 10 нафар фарзанди бўлиб, уларнинг ораси бир ярам-икки ёшга фарқ қиларди. Она бечора ёш болаларидан ортиб супур-сидирга улгуролмас, улгурса ҳам яна бир пасда ёш болаларнинг тўполони билан ҳамма жой тўзиб ётаверарди. Шу сабабли аёл мудом эридан калтак еб, гап эшитарди.

Аёлнинг тўнгич фарзандлари қиз бўлгани учун улар вояга етган туппа-тузук дастурга айланишди. Эридан доим ҳақорат эшитадиган аёл энди ҳурмату

эъозда, эҳтиромда. Қизларнинг орасталиги сабабли эркакнинг кўнгли хотиржам, тирноқ ичидан кир қидириб, аёли билан жанжаллашмайди. Ахир чаққон ва эпчил қизлар бунга ҳоҳат ҳам қолдиришмайди. Отаси ишдан келган замон бири қўлидаги сумкасини олади, бири оёқ кийимларини тўғрилайди, бошқаси қўлига сув қуюди. Эркак аёлига мамнун жилмаяди. Рўзгор ишларига меҳр қўйган қизлар 20 ёшга етиб-етмай, бирин-кетин турмушга ҳам узатилиб кетди. Сабаби, ҳаммамизга маълумки, меҳнатдан қочмайдиган, чаққон қизларнинг бозори ҳам чаққон бўлади-да.

Юртимиз кундан-кунга чирой очиб, кўркамлашиб бораётган бир пайтда, тоза ва озодаликка эътиборли бўлиш, маҳалла, хонадон ва кўчаларни, атроф-муҳитни озода тутиш, ободончилик ишларини кучайтириш, муҳими, экология муҳитини асраб-авайлаш бугунги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Баъзи маҳаллаларга кириб қолсак, шаҳарнинг ичида бўла туриб, озодаликка эътибор берилмагани, худуднинг бетартиб, нотозалиги, ободонлаштириш ишларининг ўлда-жўлдалигини кўриб таъбимиз тирриқ бўлади. Баъзи шаҳар чети ёки қишлоқ жойларидаги маҳаллаларда эса атрофнинг боғроғлиги, кексалар чойхонасида чорпоя-

лар, гуллар экилиб, сувлар сепилганини кўриб, "жаннатга келиб қолдимми?" деб ҳам ўйлайсан киши.

Инсоннинг қўли гул. Аммо уни ишлатиш учун ҳафсала, фидойилик, фаросат, муҳими, яшаётган жойига нисбатан меҳр-муҳаббат керак бўлади. Агар ҳар қандай маҳаллада ўз вақтида ҳашарлар тез-тез ўтказилиб турилса, навбатчилик асосида ишлар режали ташкил этилса, файзу тароват бисёр бўлади. Ахир маҳалла хонадонимиз боши, уйимизга ҳам шу маҳалла орқали кириб келамиз-ку!

Бундай ишларни ташкил қилиш учун маҳалла фаоллари биров фидойи, эл учун жон қуйдира олса кифоя. Бундай маҳалла раиси фаоллари билан хонадонларга ташриф буюриб, уй эгалари билан суҳбат ва тушунтириш ишлари олиб борса, озодалик бўйича "хонадон"лар аро мусобақалар, танловлар ўтказса, фойдадан ҳоли бўлмас.

Ватанимиз мустақилликка эришганига 28 йил тўлади. Ана шу қисқа давр ичида мустақил мамлакатимиз дунё миқёсида ўзини ҳар соҳада намоён этмоқда. Айниқса, Президентимизнинг оналар ва болаларга, оилага, келажак ёшларга қилаётган чексиз ғамхўрлиги, ёшларнинг дунё миқёсида эришаётган улкан ютуқ ва муваффақиятлари, юртимизда олиб борилаётган одилона сиёсат, ободончилик ва бунёдкорлик ишларининг барчаси фақат инсон омили ва унинг манфаати йўлидаги залворли қадамдир.

Ҳа, эришаётган ютуқларимизни дунё тан олмақда. Шундай экан, барчага яхши одат ва миллий қадриятларимизни эъозлаган ҳолда, ёшларга ибрат намунасини кўрсатиш, меҳмондўстлик, бағрикенглик ила юртимизга ташриф буюраётган хорижликларни муносиб кутиб олиш учун атроф-муҳитни, табиатни асраб-авайлаган, тоза тутган ҳолда саришталлики жойига қўйсақ, нафақат миллий қадриятларимизни, балки экологик муҳитни ҳам асраган бўлаемиз.

Марям АҲМЕДОВА

## KONFERENSIYA DOIRASIDA TANLOV

unda jamlangan suratlarda oiladagi mehning o'quvchi yoshlar nazdidagi tasvirlari akslandi

жамиятда аънавий оилавий қадриятларни сақлаш, оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни яхшилаш бўйича вазифалар белгилаб берилган.

"Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази Бухоро вилоят бошқармасида ўтказилган "Оиланинг тарбиявий таълим салоҳиятини мустаҳкамлаш масалалари: муаммо ва ечимлар" мавзусидаги илмий-амалий конференция айнан ушбу вазифаларни бажаришга доир масалалар муҳокамасига бағишланди. Конференцияда иштирок этган олимлар ва соҳа мутахассисларининг оиладаги тарбияга бўлган қарашлари, уларнинг тарихий хусусиятлари, ислом таълимотида оилавий педагогика,

Осиё ва Европа мамлакатларида оила педагогик маданиятининг ўзига хос томонлари, болаларни тарбиялашда оила ва таълим тизимининг ўрни, таълим муассасаларида (болалар боғчалари, мактаблар, коллежлар ва олий ўқув юртларида) болалар



ва ёшларни маънавий ахлоқий тарбиялаш: хорижий ва маҳаллий тажриба, оила аъзолари (оила таркиби, ота-оналарнинг таълим даражаси, оиладаги шахслараро муносабатлар, ота-оналар малакаси), оилавий таълим методлари каби бир қанча масалалар муҳокама қилинди.

Конференция доирасида жамиятимизда умуминсоний туйғу – меҳрни янада мустаҳкамлаш, шахслараро муносабатларда меҳрни ифодалаш имкониятларини ошириш, ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш мақсадида "Меҳр улашайлик" фотосуратлар кўргазмаси ўтказилди.

Унда Бухоро ихтисослашган санъат мактаби ҳамда Бухоро ихтисослашган санъат мактаб интернатининг ўқувчи ёшлари иштирок этишди. Суратларда оиладаги меҳрнинг ўқувчи ёшлар назидидаги тасвирлари аксланди. Танловда ҳакамлар ҳайъати томонидан ғолиблар аниқланди. Мустақиллигимизнинг 28 йиллиги байрами олдидан бугунги кун замонавий мустаҳкам оила тасвирини бўёқларда ифодалагани учун Зиёло Раҳимова 1-ўринга сазовор бўлди.

Ўз мухбиримиз  
oilavajamiyat@mail.ru



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги "Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги қароридан оиланинг тарбиявий-таълим салоҳиятини мустаҳкамлаш,

# SIZ NEGA JIMSIZ?


Олий суд раиси ўринбосари Х.Ёдгоровнинг "Дод деворгинг келади баъзан!.." мақоласини ўқиб...

"...Вилоятлардаги сайёр қабуллардан вақт орттириб, бир неча Меҳрибонлик уйларида бўлдик. Шароитларига гап бўлиши мумкинмас. Бироқ у ердаги аксарият тарбияланувчиларнинг ота-онаси бор. Аммо ажрашган. Тартибга кўра, ота-онаси бор болалар Меҳрибонлик уйларида бир йил қолиши мумкин, холос. Фарзанди Меҳрибонлик уйининг "тулақонли тарбияланувчиси"га айланиши учун айрим оналар нима қилишяпти денг? Суд орқали ўзларини оналик ҳуқуқидан маҳрум этишмоқда! Чунки, собиқ эрдан нажот йўқ, онанинг моддий аҳволи танг. Бирдан бир чора – фарзандини "детдом"га топшириш. Ўзини оналик ҳуқуқидан маҳрум этиб олса, боласи Меҳрибонлик уйида бемалол юраверади... Бундайларни кўриб, "дод" деворгинг келади, рост!"

## КЎЗ ЁШЛАРИ ШАШҚАТОР БОЛАЛАР

"Xabar.uz" ахборот-таҳлилий порталида берилган "Олий суд раиси ўринбосари: "Дод деворгинг келади баъзан!.." мақоласидаги бу сўзларни ўқиб, аввало, бир она сифатида юрагим оғриди.

Ижтимоий тармоқларда кенг муҳокамага сабаб бўлган Меҳрибонлик уйида бемехр ота-онасини соғиниб кун санаётган: "Бу ер яхши, аммо ўз уйимда яшагим келади, ойимни яхши кўраман", дея маржон ёшлари шашқатор болаларнинг видеоси ҳам кўз олдидан ўтди. Шу аччиқ ва аламли кўз ёшларнинг сабабчилари эса жим... Шу жимлик уларда бир чимдим меҳр йўқлигини англатармикин?! Уларда оналик ҳисси, меҳри қачон шунчалар қақшаб улгурди экан?! Бунинг жабрини тортаётган гўдакларнинг гуноҳи нима? Уларни бир мурғак жоннинг меҳр ўрнига соғинч изтиробга кўмилган нурсиз болалигининг уволи тутмайми? Шу ўринда мақоладаги яна бир далил: ...Судларда



**Б**емехр ота-онасини соғиниб кун санаётган: "Бу ер яхши, аммо ўз уйимда яшагим келади, ойимни яхши кўраман", дея маржон ёшлари шашқатор болаларнинг видеоси ҳам кўз олдидан ўтди. Шу аччиқ ва аламли кўз ёшларнинг сабабчилари эса жим... Шу жимлик уларда бир чимдим меҳр йўқлигини англатармикин?! Уларда оналик ҳисси, меҳри қачон шунчалар қақшаб улгурди экан?! Бунинг жабрини тортаётган гўдакларнинг гуноҳи нима?

бекор қилинаётган никоҳлар сони: ўтган йили фуқаролик судларида 11153 та никоҳ бекор қилинган! Бу низо судга етиб, томонлар берилган муддат, маҳалланинг аралашуви ва бошқа чоралар қор қилмагандан кейин ҳосил бўлган рақам. Ҳолат жиддий ва ташвишлими? Ҳа. Оддий арифметик ҳисоб: никоҳи бекор қилинган ҳар бир оилада биттадан фарзанд бўлса – 11153 нафар, агар икки нафардан фарзанд

бўлса, 22306 бола тирик етим бўлди, дегани бу!

Изтиробли болалик, соғинч, аччиқ кўз ёшларнинг ҳисоб-китоби, саногими бу?! Ҳа, шунча бола оиласи бағрида ота-онасининг меҳрига, эътиборига, бошини силаб ухлатиши-ю, эркалаб уйғотишига зор дегани. Уй-хаёллари чунон тўзғитиб, совуқ сукут сақлашга мажбурлайдиган вазиятда айрим аёлларнинг "қилмиш"лари алоҳида ургу берилганда жим туриш тўғри эмас.

## АЛАМЛАР ЭЗГУЛИККА АЙЛАНСА...

Ёши қирққа яқинлашган кўҳликкина бир аёлни танийман. Икки фарзанди билан ҳозир ёлғиз яшайди. У бу ҳулосага келишдан аввал оиласини сақлаб қолиш, икки фарзандини тирик етим қилмаслик учун зуғумкор, саёқ эрининг инсофга келишини йиллар кутган. Аммо барча уринишлари бесамар кетган. Шу аёл ўзигагина аён аламли изтиробларини қалбининг туб-тубига яшириб, икки норасидасига ҳам ота, ҳам она. Салкам ўн йил ижарама-ижара сарсон бўлди. Яқинда кредитга уй олди. Керакли жойга мурожаат қилса, унга шароитини инобатга олиб, ҳукуматимиз ёрдам беришини маслаҳат бердим. Аммо у унамади. Қисқагина қилиб "шукр қилиш керак", деди. Шу аёл болалари учун эрдан бирор марта алимент талаб қилмаган, ҳозир ҳам олмайди. Аммо шу аёлни ёрдам сўраб бирор ташкилотнинг эшигини қоққанини ёки

ҳаётдан нолиганини эшитмадим. Ота-онаси, ака-укаси, яқинларига суяганс керак-да, дейдиганлар ҳам топилади орамизда. Биргина ҳамма қатори давлат ишида ишлайдиган синглисидан бошқа ҳеч кими йўқ. Ёш, чиройли бўлишига қарамай кўп оғиз солганларга рўйхушлик бермаганини ҳам биламан. Фарзандини лоақал тугилган кунинда бирор марта йўқлаб келишга ярамаган бағритош, бемехр отанинг ўрнига юмшоқ ўйинчоғу ширинликлар кўтариб келган кунлари гувоҳи бўлганман. Аммо фарзандларида бирор марта отасига нисбатан нафрат, совуқ муносабат уйғотишга уринганини сезмадим. Истарами иссиқ шу аёлни қалби тубига кўмган аламлари фақат эзгуликка, меҳрга яшашга бўлган иштиёққа айланса, нежаб.

## КИМ АЙБИНИ ТАН ОЛАДИ?

Хўш, энди ўйлаб кўрайлик, ўз боласи Меҳрибонлик уйининг "тулақонли тарбияланувчиси"га айланиши учун суд орқали ўзини оналик ҳуқуқидан маҳрум этишдек "ташаббус"ни кўрсатаётган аёлларда ҳам қалб борми? Оналик меҳри-чи? Улар эзгулики қандай тушунар экан? Оналарча фидойиликчи-чи? Улар ҳаётда арзимаган маиший муаммоларга ўралашиб, уларни катталаштириш, муроса йўлини тескари солиш асносида гўёки ўзларини оқлаб, инсонийлик, оналик бурчини унутиб қўяётганлигини билишармикин? Шу ўринда бир ҳақиқат: ўз айбини тан олишни хоҳламайдиган инсон у эркак бўлсин, аёл бўлсин бир баҳона, албатта, топади. Юқоридаги рақамларнинг ҳар бирида "сабаб" бор. Бу "ташаббускор"ларнинг ўзига аён, виждонига ҳавола.

## МЕХР ВА ҚАХР ОРАСИ ЯҚИНМИ?

Иккинчи жаҳон уруши даврида тошкентлик темирчи Шоаҳмад Шоаҳмадوف ва унинг хотини Баҳри яя Акрамова 17-болалар уйдан турли миллатларнинг қаровисиз ва етим қолган 16 нафар болаларини асраб олиб, таълим-тарбия беришганини инсонпарварликнинг юксак намунаси сифатида эътироф этиб, фахрланамиз. Бугун бизга нима бўляпти? Суд ота-онаси ажрашиб, Меҳрибонлик уйида тарбияланишга маҳкум болалар қисматига сабабчилардан дили оғриб куйяпти. Меҳр билан қахр ораси шунчалар яқин экан. Энди нима қилиш керак? Ёки тирик етимлар сони кўпаяверсинми? Ёшлар иттифоқи, маҳалла, маслаҳатчилар, хотин-қизлар кўмитаси ишлаяпти, аммо эланиб-элниб судгача етиб бораётган ажримлар, бу ажримларнинг қурбони тирик етим болалар. Шундай вазиятларда нархи қанча муросанинг, айтинг, деворгинг келади, бехосдан. Худди нархи қанча меҳрни дегандек.

Хуллас, бу борада муаммоларни таҳлил этганимиз сайин кўп нарсанинг қадрини, нархини ахтаришимизга тўғри келади. Аммо бунда жим туриш ярамайди. Жавоб, ечим битта, оилада соғлом муҳитни асраш, фарзандларимизга тўғри тарбия бериш керак деган ақидага бориб тақалаверади. Унинг қанчалик самарали усулларини қўллаш ҳар бир ота-онанинг ижобий маънодаги ижодкорлигига боғлиқ. Токи, мақсадни тўғри қўйиб унга элтувчи йўлдан адашмайлик.

Гулноза ТУРҒУНБОЕВА



# MENI ASRAB OLGANINGIZ ROSTMI?

Фарзанд – умр боғимизнинг сархил меваси, кўнглимизни ёритувчи шамчирогимиз. Афсуски, тақдирнинг синовлли йўлларида фарзанд кўриш бахтидан мосуво бўлган инсонлар ҳам учрайди. Улар меҳрибонлик уйларида бориб, ўз ҳаётига муносиб издош излашганида бутун меҳру муҳаббатини, саховатини ўша болаларга бахшида қилишади. Бироқ баъзи бир ҳолатлардаги тушунмовчиликлар туфайли бу меҳрни фарзанд нотўғри қабул қилиши мумкин. Кунни кеча тахририятимизга келган мактубда Шоҳида исмли муҳлисимиз шундай фикр билдирган: “Турмуш ўртоғим билан севиниб турмуш қурганмиз. Ўн йил бирга яшаб, фарзанд кўрмадик. Шунинг учун меҳрибонлик уйдан бир болакайни асраб олдик. Ҳозир ўғлим 17га кирди. Бир кунни ўзи ҳақидаги ҳақиқатни узоқ қариндошимиздан эшитиб қолибди. Биздан жуда қаттиқ хафа бўлди. Бир ойдан бери уйга келмайди. Яқин ўртоғиникида яшаб юрибди. Маслаҳат беринг, нима қилайлик?”

Ушбу муаммо асосида тўплаган мулоҳазаларимизни эътиборингизга ҳавола қилмоқчимиз.

## СИЗЛАРГА БЕГОНАМАНМИ?

**Марғилонлик Салимаҳон Акбарова:** Ишдан қайтаётган эдим. Телефоним жиринглаб, олис қишлоқдаги жияним йиғлаган кўйи гапира бошлади: “Опажон, бу дунёда яшагим келмай қолди. Онамдан жуда қаттиқ хафаман. Қўшни қиздан асраб олинган фарзанд эканлигини эшитиб қолдим. Нима учун айнан менинг ҳаётимда шундай воқеа содир бўлди? Менинг айбим нима? Ҳақиқий ота-онам қаерда? Ҳаммадан ҳам сизга ишонар эдим. Нега сиз ҳам менга бу ҳақда айтмаганиз? Уйдан бутунлай чиқиб кетдим. Энди қайтмайман.”

Жияним Холиданинг гапларидан ичларим музлаб кетди. Мен ҳам ўзимни йўқотиб қўйдим. Кейин ўзимни босиб олган, дадил гапира бошладим: “Нега уйдан чиқиб кетасан? Хола сен бир кун шундай қилишинг учун катта умидлар билан тарбиялаганимди... бу нима деганинг? Ўзи шу кунларда бу ҳақда сенга айтмоқчи бўлиб, фурсат поймаб юрган эдим. Онамнинг ўрнига ўзингни қўйиб кўр, уни тушунишга ҳаракат қил. Сен бизга ҳеч қачон бегона бўлмагансан. Шу боис холам сенга жону жаҳонини бахш этиб катта қилди. Нега ана шу меҳри ҳис қилмаясан? Ўзинг ақлли қизсан-ку...”

Гапларимни эшитган жияним уйланиб қолди.

## ҲАҚИҚАТНИ АЙТИШ ЛОЗИМ ДЕБ БИЛАМАН

**Умида Маманова, 21-сонли меҳрибонлик уйи директори:**

– Фаолиятим давомида жуда кўп воқеаларнинг гувоҳи бўлганман. Бизга



yoхud tutingan ota-onamdan qattiq xafa bo'ldim

фарзанд асраб олиш истагида кўплаб ота-оналар мурожаат қилишади. Агар бола чақалоқлигида асраб олинса, албатта, ҳақиқатни ошкор қилиш ёки ошкор қилмаслик ота-она ихтиёрида бўлади. Мен билган кўплаб оилалар умрининг охиригача бу воқеани сир сақлаб келишмоқда. Улар фарзанднинг руҳияти синиб қолишига учун шундай йўл тутишганини тушунаман. Бироқ вояга етган, ўзининг асраб олинганини ўзгалардан эшитган болалар асл ота-онасини топиш мақсадида бизга илтимос билан келишади. Бундай ҳолатларда уларга имкони борича кўмак берганмиз. Шундай оилалар ҳам борки, бола ақлини таний бошлагач, уни ёнига ўтказиб яхши гаплар билан тушунтиришган. Натижада бола ортиқча руҳий зўриқишлар ва тушунмовчиликларсиз ҳақиқатни англашга, ота-онасини тушунишга ҳаракат қилган. Шу боис мен фарзанд асраб олаётган ота-оналар ҳақиқатни сир тутмасликларини, барчаси ошкор ва самимий бўлишини истайман.

## ТУТИНГАН ОТА-ОНАНИ ҲАМ ҚАДРЛАШАДИ

**Дилафрўз Жўраева, 22-сонли меҳрибонлик уйи директори ўринбосари:**

– Бизда асосан 7 ёшдан ошган ўғил ва қизлар тарбияланади. Фарзанд асраб олишга келган ота-оналарни қилиб қолишса, уларнинг ҳар бири умид қилиб бошлайди. Ахир оилаги бўлиш, ота-она меҳри ва эътиборидан баҳраманд бўлиш, барибир яхши-да... Аксарият болаларимиз ўзлари борган хонадон эгаларининг ҳар бир қонун-қоида ва талабларини сидқидилдан бажаришга интилишади. Баъзи ҳолатларда ўзаро келишмовчилик орқали қайтиб келган ўғил-қизларимиз ҳам учраб туради. Улар билан махсус психологик дарслар ўтказганимиздан сўнг ўзлари йўл қўйган хатоларни англаб етишади. Бизда фарзандликка олиш жараёнлари ошқор тарзда кечади. Кўп болаларимиз йиллар ўтиб бизни йўқлаб келишганида тутинган ота-оналаридан ниҳоятда хурсанд бўлиб гапириб беришади. Масалан, Мавлуда исмли қизимизни

бир оила асраб олганида, унинг ўз исми ва фамилиясини ҳужжатларда ҳам шундайлигича қолдиришди. Аксарият ҳолларда эса асраб олинган ўғил-қизларга ўзлари янги исми ва фамилия беришади. Бундай пайтларда болаларимиз учун бироз ноқулайлик пайдо бўлади.

## ҚАДАМИМ ҚУТЛУҒ КЕЛДИ

**Абдуқолир Ҳалимов, Самарқанд:**

– Мени ота-онам чақалоқлик пайтда асраб олишган экан. 3 ёшга кирганимда улар янги фарзанд кўришди. Лекин бирон марта мени ва укамни ажратиб муомала қилишмаган. Аксинча онам: “Қадами қутлуғ болам менинг. Сенинг қадаминг ёқиб мана укам ҳам дунёга келди”, деб мени роса эрқалатардилар. Дадам ҳам ҳар бир ишни бошлашдан олдин мен билан маслаҳатлашар, сўнгра укамга юзланар эди. Мени асраб олишганини холам оғир-босиқлик билан тушунтирганларида аввалига юрагим галати бўлиб кетди. Уч кунгача овқат емадим. Холамникига ҳам кетиб қолдим. Бироқ вақт ўтгани сайин ота-онамнинг менга бўлган муомаласи, меҳри ва ишончи туфайли ўз хатти-ҳаракатларимдан уялдим. “Тукқан эмас, боққан она”, дея бежиз таъкидлашмаган экан. Тенгдошларимнинг уйларида борганимда ҳатто тукқан оналар ҳам менинг онамчалик меҳрибон эмаслигига амин бўлганман.

## ҚАРИНДОШЛАР АСРАБ ОЛИНСА-ЧИ...

**Шоира Исакова, психолог:**

– Аввало асраб олинган фарзандга ҳақиқатни қачон айтган маъқул деган оғриқли савол атрофидаги мулоҳазаларимни айтиб ўтсам. Фаолиятим давомида асраб олингани ошкор бўлганидан сўнг болаларнинг ўта тушкун ҳолатга тушиб уйдан кетиб қолганини, асабийлашиб ота-онаси билан қаттиқ жанжаллашганини, ўқишлари кескин пасайиб кетганлигининг гувоҳи бўлганман. Ҳатто бир сафар бир бола амакисидан ҳақиқатни эшиттач, ўз уйига ўт қўйиб ҳам юборган. Демак, ота-она ҳақиқатни айтиш

учун болани анча вақт давомида руҳан тайёрлаб бориши зарур. Бировларнинг ҳаёти мисолида ибратли воқеаларни ва ривоятларни тинглагани сайин боланинг руҳияти ўзгариб боради. Аксинча ҳеч қандай тайёргарликсиз бир кунда айтилган ҳолатда бола бирданига шок ҳолатига тушади ва ота-онанинг меҳнати бир пул бўлади. Шунингдек, асраб олинган фарзандга ҳақиқатни у ўсмир ҳолатида эканида ҳам айтиш яхши эмас. Чунки ўтиш даврида ҳар қандай боланинг руҳиятида кескин ўзгаришлар содир бўлаётган бўлади. Бола бирон муваффақиятга эришиб, махалла фикрлай бошлаган пайтларда айтиш мақсадга мувофиқ деб биламан.

Шу ўринда яна бир мулоҳаза. Кўпинча фарзанд кўрмаган оилага унинг қариндошлари ўз фарзандларини асраб олишларини таклиф қилишади. Масалан, бир оиланинг катта келини кичик келинга ўз фарзандини берган. Ҳеч қанча вақт ўтмай кичик келини фарзанд кўради. Натижада катта келини иккала фарзанд ўртасида келишмовчилик пайдо бўлиши учун бўлмағур гапларни кўп гапира бошлайди. Бу яхши эмас. Яхшилик қилишга астойдил киришган одам охиригача ўз сўзида туриши, асраб олинган фарзанднинг ҳаётини заҳарга айлантирмаслиги керак...

## ФАРЗАНДИМ – АСАЛ, ҚАНДИМ...

Абдулла Авлоний бобомиз айтганларидек: “Агар фарзандга яхшилик ўргатилса у вояга етади, дунё ва охирадда бахтёр бўлади. Ўз ҳолига ташлаб қўйилса, бахтсиз бўлади.” Фарзанд ҳар бир инсон учун берилган Аллоҳнинг энг улуғ неъматидир. Ҳар бир ота-онанинг эзгу мақсади ширин-шакар фарзандларни чиройли тарбиялаб, жамиятга фойдаси тегадиган инсонлар қилиб вояга етказишдир. Демак, фарзандларимиз асл тарбия соҳибига айлансалар, улар ҳар қандай вазиятда ҳам ота-онани қадрлай билишади. Бугунги мулоҳазаларимиз эса сизни ўйлантираётган баъзи муаммоларга ойдинлик киритган бўлса, ажаб эмас.

Мухтасар ТОЖИМАТОВА  
тайёрлади.

# HASAD SAN'ATKORNI BARBOD QILADI

hamfikir bo'lish esa yuksak cho'qqilarga yetaklaydi

**У**збек миллий санъатида миллий эстрада ва мумтоз кўшиқчилик санъати, ялла ва лапарларнинг ўрни алоҳида. Бугунги кунда санъат соҳасида етишиб чиқаётган ёш санъаткорларнинг европа ва бошқа йўналишларда ижод қилаётгани миллий санъати-мизни янада кенгроқ ёйиш, қадриятларимизни асраб-авайлашга ундамоқда.

Ёш бўлса-да, мумтоз ва миллий йўналишда кўшиқлар куйлай олиши, сахна маданияти, бетакрор овози билан водий аҳолисига танилган ёш хонанда Элмурод Абдуллаев билан суҳбатлашдик:

— Водийликлар ижодкор халқ. Сиз ўзингиздаги иқтидорни қандай баҳолайсиз?

— Аввало оиламиз санъатни жуда севади. Бувим тўй-маърака ва йигинларда лапару дostonлар билан айтимчилик қилиб келганлар. Жамолиддин тоғам эса санъатнинг шайдоси, машоқ сифатида давраларни қиздириб, тор чалиб кўшиқ куйлайди. Санъаткорлик авлодимиз қонига бор. Тоғаларим ёшлигимдан мени тўйларга етаклаб боришар, кичкина бўлсам-да, мен ҳам кўшиқ куйлаб, чўнтақларим конфетга тўлиб қайтардим. Тоғамлар: "Сен боладан санъаткорнинг ҳиди келади. Агар тарбияласак, яхшигина овозинг бор", дейишарди. Менда қобилият борлигини кўрган ота-онам 5-синфдан musiқа мактабига беришди. Ғижжак йўналишида таълим олиб, musiқа назарияси ва миллий чолғу асбобларини чалишни ўрганишга киришдим.

— Устозларингиз ҳақида нима дея оласиз?

— Мен анъанавий хонан-



далик йўналишида таҳсил олган коллеж ва университетда таълим берган барча устозларимдан миннатдорман. Қўқон шаҳар санъат коллежида Иномжон Юсупов, Рафиқ Аҳмедов, Қўқон давлат педагогика институти доценти Ғайрат Нажмидинов, катта санъатшунослик фанлари номзоди, ўқитувчи Соҳиба Асқарова ҳамда Насимхон Мадаминов каби устозлардан санъат сирлари, сахна ва хонандалик ҳамда муомала маданиятини ўргандим.

— Сизни соҳага руҳлантирган, туртки берган инсон ким?

— Бу менинг кичик тоғам, соҳир овоз эгаси Икромжон Абдуллаевдир. У ёшлигимдан мени санъат соҳасига таълим олишга, қизиқишга руҳлантирди, беминнат кўмагини аямади. Мен ҳам тоғамдек сахнада куйлашни истаганим учун унинг водий халқи севиб тинглайдиган "Ҳаялладин", "Бошдаги рўмол" номли кўшиқларини куйлаганман.

— Қандай ютуқларингизни эътироф эта оласиз?

— Бир неча йил муқаддам туман ва вилоят миқёсида санъат соҳасида ўтказилган фестиваль ва кўрик танловларнинг бир неча бор

— Айтиш жоизки, баъзи ёш санъаткорлар мухлислар қалбидан жой олиш учун аввало, устозлар маслаҳатини олиб иш тутса, мақбул бўлар эди. Энг ёмони, баъзан пишмаган кўшиқ ёки минталитетимизга тўғри келмайдиган, бир хилликка боғланиб қолган клипларни ТВ каналларида кўриб ачириб кетасан киши. Клипда қиз бола ўзини намойиш этишдан нарига ўтмайди. Ундан кўра, ўзбек аёлининг ибод-ҳаёси, жонкуяр ва фидоийлигини намойиш этишса бўлади-ку?



ғолиблиklarини қўлга киритдим. "Ёшлар иттифоқи" ташаббусида ўтказилган "Ёшлар фестивали"да ҳам 2-ўринни эгалладим. Ҳозирда тумандаги "Ёшлигим" бадий дастасига раҳбарлик қилиб, давлат ва оммавий-маданий тадбирларда концерт дастурларим билан хизмат қилиб келяпман. Ижодим мумтоз ва миллий эстрада йўналишидаги кўшиқларни ташкил этади. Классик кўшиқлардан "Ўртар", "Мустаҳзод", "Тановар", "Ўхшайдику"ни севиб куйлайман. Миллий эстрада йўналишида "Тошоша қил", "Кўнгил учун", "Бир ширин" каби эл севган санъаткорларнинг кўшиқларини куйлаш билан бирга, ўз ижодим "Ғам кўрмагин", "Дарвозангда", "Соғинч", "Айрилмасин", "Бошдаги рўмол" номли кўшиқларни мухлисларга тақдим этиб келяпман.

Айни пайтда, илк альбомим ва 6 та клипимни мухлисларга тақдим этдим. Уларнинг мавзуси Ватанга, ота-онага меҳр-муҳаббат, оқибат ва садоқатни тараннум этади. Ҳозирда Ватан ҳақида кўшиқ яратиш устида изланыпман.

— Сиз ижод қилиш билан бирга таълим масканда ёшларга сабоқ ҳам бераёсиз. Бугунги

ёшларнинг интилишлари қандай?

— Musiқадан таъсирланмаган одамнинг ўзи йўқ. Ҳозирги ёшлар орасида қобилиятлилари кўп. Ҳар қандай соҳани эгаллаш учун изланиш, интилиш, қизиқиш ва муҳаббат бўлиши керак. Мен ёшларнинг ҳар бирида ўзимнинг интилиш ва қизиқишимни кўраман, уларга санъат сирларини ўргатишга ҳаракат қиламан. Мақсадим, келажакда шунчаки эмас, ҳақиқий, жонли овозда куйлай оладиган санъаткорларни етиштиришда ўз ҳиссамни кўшишдир.

— Ҳозирда эстрада, реп, рок йўналишларида ёшлар ижро этаётган кўшиқларга муносабатингиз.

— Айтиш жоизки, баъзи ёш санъаткорлар мухлислар қалбидан жой олиш учун аввало, устозлар маслаҳатини олиб иш тутса, мақбул бўлар эди. Энг ёмони, баъзан пишмаган кўшиқ ёки минталитетимизга тўғри келмайдиган, бир хилликка боғланиб қолган клипларни ТВ каналларида кўриб ачириб кетасан киши. Клипда қиз бола ўзини намойиш этишдан нарига ўтмайди. Ундан кўра, ўзбек аёлининг ибод-ҳаёси, жонкуяр ва фидоийлигини намойиш этишса бўлади-ку?

— Санъаткорлар ўртасидаги рақобатга қандай қарайсиз?

— Ҳасад ёмон нарса. Ҳамкасбга ҳамдард ва ҳамфикр бўлиш, санъатига соф назар билан қарашлик мардликдир. Мен бунга амал қиламан.

— Ҳаётда қатъий амал қиладиган қоидаларингиз...

— Ёлгон гапирмаслик, яхшилик қилиш...

— Айни байрам кунларида кўнгилнингиздан қандай фикрлар ўтапти?

— Энг аввало бугунги ёшларимизнинг мустақил фикрлаётгани, ўз олдига мақсад қўйиб интилишларига ҳавасим келади. Бу йил қанча абитуриентлар талабаликка эришди. Тест синовларидаги шаффофликни кузатиб туриб уларга ҳавасим келди. Ҳақиқий билимлилар беллашув бўлди. Демак, кимдир астойдил меҳнат қилса, интилса, изланса, албатта кўзлаган мақсадига эришади. Талаба бўлган укаларим, сингилларимга юрт қорига ярайдиган яхши кадрлар бўлиб етишишларини тилаб қоламан.

Лазиз МЕЛИКОВ  
суҳбатлашди.



# Istanbuldan smslar

Я қинда ҳамкасбимиз Мадина Аллаберганова Туркия сафарига жўнаб кетди. Телеграмм орқали унинг таассуротлари билан ўртоқлашдик.

## НОГИРОНЛИК ҚАРАМЛИК ЭМАС

...азон овози эшитилиб, тонг ёришди...

Соҳилга йўл олдик, жияним менга ҳамроҳ бўлди. Соҳилда одам гавжум. Ногиронлик аравачасида ўтириб, сув сотаётган кишига кўзим тушди, ёнига бориб, суҳбатлашдим...



— Исмиим Рашит, — деди у ўзини таништирarkan. — 1978 йилда туғилганман, туғма ногиронман. Баъзи бир одамлар, менга ҳамма ёрдам берши, меҳр кўрсатиши шарт деб ҳисоблайди. Ногиронлик —

қарамлик эмас. Оила аъзоларимга оғирлигим тушмасин, деб савдо билан шуғулланаман. Ёзининг иссиқ кунларида сув сотиб, одамларнинг ҳожатини чиқараман, рўзгоримга ҳам бир икки сўм орттираман. Ногиронлигимни кўрган харидорлар баъзида сувнинг нархига нисбатан кўпроқ пул бериб кетмоқчи бўлишади, мен рад этаман. Пешона терим билан, меҳнат қилиб пул топишни яхши кўраман. Ака-укаларим оилали. Менинг ҳам оила қуриш, фарзандли бўлиш нияти бор.

## ЎЗ ТИЛЛАРИНИ ҚАДРЛАШАДИ

Жамоат транспортида тўлов кўп марталик карталар орқали амалга оширилади. Шаҳар катта, адашиб қолишим мумкин, деган хаёлга борманг. Истаган одамдан сўрасангиз сизга манзилни аниқ-тиниқ қилиб тушунтиришади, агар вақти бемалолроқ бўлса обориб қўйишлари ҳам мумкин. Ёшлар катталарга жой бўшатишмайди. Улар ёши катталарнинг хафа бўлиб (чунки 60-70 ёшдаги одамлар ҳам ўзларини кекса ҳисоблашмайди) қолишидан кўрқишади.

Кўп миллатли шаҳар бўлса ҳам (айтишларича, Истанбулда 70 дан ортик миллат вакиллари истиқомат қиларкан) узаро мулоқотда турк тилидан фойдаланишади. Кўча ҳамда дўконлар мониторлардаги рекламалар турк тилида

эълон қилинади.

Бирор хонадонга ёки дўконга ишга кирмоқчи бўлсангиз сизга бериладиган илк савол "Turkca konusa bilyormisin" бўлади. Инглиз ёки рус тилини билишинг яхши, аммо турк тилини билмасангиз ишга олишмайди.

Кўчаларда ёки транспортда рўзгорга озиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олиб, оғир сумка кўтариб юрган аёлни кўрмадим. Бозорда ҳам қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари савдоси билан эркаклар шуғулланишар экан. Қоп кўтариб, оғир юк ташишни эркаклар ўз зиммасида қолдиришибди. Бозорда бақир-чақир, жанжал, жой талашиш деган муаммолар йўқ.

Масжидларда аёллар намоз ўқишлари учун алоҳида жой ажратилган. Қўлида ёш боласи билан масжидга келиб, суҳбатлашиб, диний китоблар ўқиб ўтирган аёлларни кўриб ҳавасим келди.

Кўчалар тоза, чиқиндилар махсус контейнерлардан тушиб, атрофда сочилиб ётган ҳолатга кўзим тушмади. Одамлар йўл, йўлакай, ҳеч ким кўрмайдиган



жойларга ахлат

улоқтиришмайди.

## ПУЛ ТОПИШГА ҚИЗИҚИБ ҚОЛДИМ

Бошқа мамлакат фуқароларига иш топиб бериш билан шуғулланадиган ширкатлар ҳар қадамда учрайди. Шулардан бирига кириб, у ерда навбат кутиб ўтирган юртдошларимиз билан суҳбатлашдим.

— Ёшим 22 да, сирдарёликман, — дейди ўзини ўткир дея таништирган йигит. — Истанбулга бундан 3 йил олдин онам билан келганман. Дадам ишсизлиги сабаб онам пул топиш учун кўпроқ ҳаракат қилади. Иккита акам шартнома асосида олийгоҳда ўқишади. Шартнома пулини тўлаш онамининг ўзига қийинлиги сабабли мени ҳам ўзи билан шу ерга олиб келди. Ҳозир биргалашиб ишляпмиз. Турк тилини яхши билмаганим учун иш топишга озгина қийналдим. Ҳозир ҳаммаси изига тушди, битта кафедра официант бўлиб ишляпман. Ўзимнинг ҳам олийгоҳга кириш нияти бор эди. Энди фикрим ўзгарди, кўпроқ пул топишга қизиқиб қолдим.

Ширкатларга мурожаат қилиб иш топиш осон экан. Иш берувчи ўз талабларини айтади, ишга кирувчи ҳам. Агар белгиланган ойлик маоши тўғри келса ва турк тилини билсангиз бемалол ишлайвериш мумкин.

## АСОСИЙ АЙБДОР ҚАЙНОНА

Бошқа давлатлардан келган фуқароларни иш билан таъминловчи ширкатлардан яна биридаман. Дурсунбей исмли 45 ёшлардаги эркак бошлиқ ўринбосари экан. У менга қизиқ савол берди:

— Нега мамлакатингизда ажралишлар кўп, яна ажрашган эркакларда қайта оила қуриш имкони ажрашган аёлга нисбатан кўпроқ?

Мен унга нима деб жавоб қайтаришни билмай, узоқ уйландим. Кейин эса, балки бизда аёллар сони эркакларга нисбатан кўп бўлганлиги учун шунақадир, дедим.

— Йўқ, деди у. Бунинг асл сабабини мен биламан. Аёлларнинг беқадр



бўлишига уларнинг ўзлари сабабчи бўлишади. Чунки агар оилада биринчи фарзанд қиз туғилса қайнона-қайнота ва куёв бундан унчалик хурсанд бўлишмас, ўғил фарзанд туғилса, ғурурланар экан. Агар аёл учтадан ортик қиз фарзандни дунёга келтирса эр хотини билан ажрашишгача борар, фақат қиз туғилишида хотинини айбдор ҳисобларкан. Қайнона ҳам ўғлини қиз туғадиган келиндан ажратиб олиб, ўғил туғиб берадиган қизга уйлантириш ҳаракатига тушар экан. Хўш, бунда асосий айбдор қайнона эмасми? Агар у келини қиз фарзандни дунёга келтириганида илиқ кутиб олиб, келинини ардоқлаганида ўғли ҳам хотинига нисбатан яхши муносабатда бўлиши мумкин эди.

Бизда эса аксинча, агар оилада қиз фарзанд туғилса уни чақалоқлигидан ардоқлаб, оиламизда бўлгуси она дунёга келди, деб ҳурмат билан тарбиялаймиз.

Албатта бир ҳафталик сафар давомида у ердаги муҳитни тўлиқ ўрганиб бўлмайди. Менга айниқса маҳаллий аҳолининг ўз она тилига нисбатан ниҳоятда ҳурмат билан қарашлари жуда ёқди. Қанийди, юртимизда ҳам ҳар бир бино ва иншоотлар тепасига ўзбек тилидаги ёзувлар осиб қўйилса. Шунда эрталаб уйдан боғча, мактабга отланган болаларнинг нигоҳи шу ёзувларга тушади. Ва албатта, уларнинг қалбида ватанпарварлик туйғуси оқсалади.

# VATAN ICHKARIDA BO'LADI

**"Илк бора" сўзи аслида бир мунча бадиийлашган, китобий сўзга ўхшайди. Аммо атоқли грузин адиби Нодар Думбадзенинг "Хелладос" ҳикояси менинг болалик дунёимни ағдар-тўнтар қилиб юборган, илк бора улкан инсоний изтироб билан юзма-юз қилган асар, десам ортиқча муболаға қилмаган бўлардим...**

Нодар Владимирович Думбадзе 1928 йилда Грузия пойтахти Тбилиси шаҳрида дунёга келган. Ёзувчининг кўпгина асарларида иккинчи жаҳон уруши йилларидаги грузин қишлоқларининг машаққатли ҳаёт манзаралари бир-бирига ўхшамайдиган тақдир эгалари образида ёрқин акс эттирилган. Нодар Думбадзенинг асарларида одаамийлик, оқибат, виждон, ҳаёт талаб этадиган фидоийлик каби тушунчалар биринчи ўринда туради. Унинг айни шу каби ҳислатлар тараннум этилган "Абадиёт қонуни" асари эса, нафақат грузияда, балки кўпгина бошқа давлатларда ҳам қидириб топиб ўқиладиган асарлардан биридир. Адибнинг "Абадиёт қонуни" романидан ташқари унлаб ҳикоялари, "Кукарача" қиссаси, "Оқ байроқлар" сингари романи моҳир таржимон Низом Комил томонидан ўзбек тилига ҳам таржима қилиниб, китобхонларимизга тақдим қилинганлиги бежиз эмас...

Мен ҳозир сўз юритмоқчи бўлаётган "Хелладос" ҳикояси ҳам адибнинг айнан ўшандай – ўзбек китобхонлари учун қимматли бўлган асарлари сирасидан. Эсимда, акамнинг адабиёт дарслигидан ўқиб, анчайин ёш бўлганим учун "Хелладос" ҳикоясида аслида қандай туйғу ҳақида гап кетаётганини, икки мурғак ўспирин асли нимани таллашиб бундай мурасасиз муштлашганини у қадар идрок қила олмаганман. Билганим қилиқлари ва ҳислатлари айрим ўзимнинг ўртоқларимни эслатиб юборадиган икки боланинг бир-бирига бўлган қарама-қаршилиги ва уларнинг ҳар иккисининг ниҳоятда яхшилиги эди. Мен уларнинг ҳар иккисини бирдай яхши кўрадим, Жамолни ҳам, муштумзўр Янгулини ҳам. Болалар ўртасидаги муштлашув жараёнини ўқийётганимда Жамолнинг ютиб чиқилиши хоҳлар ва айни пайтда шундай ғамхўрлик билан Янгулининг ютқазилиши сира истамас эдим. Ҳикоядаги Янгули кемага миниб жўнаб кетиши олдида, Жамолнинг ёнига келиб, эшагини олиб қолишни болаларча самимий дилгирлик билан сўраганида кўзларимга ёш қалққан бўлса, асар ниҳоясида Келасури дарёсидан балиқчилар топиб олган жасади ҳақида ўқир эканман, чинакам дард билан хўн-хўн йиғлаганим кечагидай ёдимда турибди...

Кейинчалик ҳам бу асарни жуда кўп бора такроран ўқидим. Бугун эса, ундан олган таассуротларимни ва асардан ўзим учун кашф қилган айрим ҳақиқатларни сизлар билан ўртоқлашмоқчиман.

## МУРҒАК ҚАЛБЛАРДАГИ АDOVAT

Асар қишлоқдаги барча болаларга муштумзўр Янгули ҳукмронлик қиладиган Чалбаш дарёси бўйидаги Венециан кўчасига Жамолнинг кели-

## yoхud bir hikoya taassurotlari

ши билан бошланади. Жамол Янгули билган бошқа болаларга ўхшамасди. У иродали, айни пайтда ўзига ҳукм ўтказишларига йўл кўймайдиган даражада мағрур бола эди. Жамол биринчи марта ўзининг шундай ҳислатлари билан Янгулини қизиқтириб қўяди, қолаверса ўзига нисбатан адоват уйғотади. Хўш, бу адоватнинг асл сабаби нима эди? Янгули нима учун бундай олишувни, мурасасиз курашни бошлади?

Янгулининг Жамол билан муштлашувга киришмоқчи бўлаётган пайтдаги мана бу сўзларига эътибор беринг:

– Болалар! Мен, Янгули Александриди, сизлар сайлаган сардор, сизларга, Венециан кўчасининг ҳур фарзандларига мурожаат қиламан! Рўперангизда тбилислик ранглар лақма билан унинг жини – ватан ва қабила хоини, мишиқи Кока турибди. Мана бу ранглар келгинди бизнинг меҳмондўстлигимиз ва мурувватимиздан баҳраманд бўлиш ўрнига – худо сийлаган еримизни, денгизимизни, жамики дарёларимиз, олтин ва кумушларимиз, ўтлоқларимизни ўзиники қилиб олмоқчи...


Англаганингиздек, ҳали болалик дунёсини тарқ этмаган безори ўспирин ўзи улғайган Венециан кўчасини бутун бир Ватан деб биларди. У ўз "ватанига" фақат ўзи ҳукмрон бўлишни истар, "ватанида" пайдо бўлган бегона боланинг дадиллиги уни ғашини келтирарди. Шу билан бирга, жиндай чўчитарди ҳам. У "ватанига" ўзга бир бола "эга чиқишдан" чўчирди. Ҳа, ўқувчида дастлаб тарбиясиз, безори сифат таассурот қолдирадиган Янгули ўзи-ўзича гуёки юрт ҳимоясига киришгандай эди! Бу эса, ҳар икки боланинг мурғак тасаввурида, қалбида Ватан туйғусининг куртак очаётгани белгиси бўлди.



**Ўз юртига қайтиш имкони яратилганини Сухумида яшаётган бутун эрк халқи катта хурсандчилик билан қарши олишади, аммо... аммо бу хабар Янгулига ҳақиқий жудолик, ҳақиқий мусибат бўлиб татийди. Чунки бу жудолик Янгули учун кўплаб қимматли туйғулардан – болалиқдан, муҳаббатдан ва ... ва яна Ватандан айро тушмоқ эди.**

## СУЛҲ, ЁКИ СЎНГГИ ИЛИНЖ

Янгули учун кутилмаганда "келгинди" Жамол анчайин абжир чиқиб қолади. Бу икковлон ўртасидаги адоватнинг янада кучайишига олиб келади. Жамол ҳадеганда бўйин эгавермас, орада Янгули унинг ўзидан кўра кучлироқ эканини ҳис эта бошлайди. Аммо бундан тан олиш, ўзгаларга билдириш Янгулига ўзининг Венециан кўчасини – юртини бой беришнинг ўзинаси эмасми? Шунда Янгули кураш тусидаги сулҳни ўйлаб топади. "Домд иришаверамизми! – дейди у бўш кел-



Нодар Думбадзе

май. – Кел, эртадан бошлаб сўқишамиз! Ким ютса, ўша голиб!" Бу ўзининг ожизлигини дилдан сезган болакайнинг наинки сулҳи, балки ўз "ватанига" эгаллиги ўзида сақлаб қолиш учун кўллаган энг сўнгги илинжи эди.

"У сени енгни, Жамол!"

Янгулининг тақлифидан кейин болалар бир муддат шундай – даҳанаки жанг олиб борадилар. Бу воқеалар ўз ўрнида адибнинг болалиқнинг беғубор оламига берган бўёқлари, гўзал топилмаси албатта.

Аммо гап фақат даҳанаки олишув ўқувчининг болалиқ чоғларини эсга тушириб, тотли хотираларга ошно қилишидагина эмас. Бу ерда бошқа бир гап, фикримча адибнинг бошқа бир мақсади ҳам бор. Асарни ўқиган ўқувчи эсласа, Жамолнинг ҳақоратли сўзлари

## ТУГАБ ҚОЛАДИ. КЎКРАҚДАГИ НАҚШ ВА ЮРАҚДАГИ МУҲАББАТ

Ҳикоя ҳақидаги фикрларимни муҳтасар қилиш, қолаверса, асосий гапга ўтиш учун асарнинг охирироғига кўчаман. Ўқувчи ҳикоянинг ниҳоясига яқинлашар экан, унга Сухумида яшаётган грекларнинг ўз юртига, Элладага қайтиши кераклиги баён қилинади. Ўз ўзидан маълумки, Янгули ҳам миллатдошлари билан юртига қайтиб кетиши лозим эди. Ўз юртига қайтиш имкони яратилганини Сухумида яшаётган бутун грек халқи катта хурсандчилик

билан қарши олишади, аммо... аммо бу хабар Янгулига ҳақиқий жудолик, ҳақиқий мусибат бўлиб татийди. Чунки бу жудолик Янгули учун кўплаб қимматли туйғулардан – болалиқдан, муҳаббатдан ва ... ва яна Ватандан айро тушмоқ эди. Муаллиф (ўз таъбири билан айтганда "на бир-бирига ғаним, на яқин дўст" бўла олмаган) икки ўспириннинг хайрлашиш олди қилган суҳбатини ёзар экан, назаримда асаридagi, йўқ, наинки асаридagi, балки реал ҳаётдаги Ватан ва Ватанга боғлиқлик ҳисси ҳақида энг гўзал сўзни, энг долзарб ҳақиқатни айта олган, десам янглишмайман.

... Янгулидан анча вақтгача садо чиқмади.

– Қандоқ тушунтирсамикин... – дея гап бошлади у ниҳоят. – Онам йўқ, ҳатто эсполмайман ҳам. Отам уззукун томорқада ёки тирикчилик ташвишида... Мен кўчада, Венециан кўчасида катта бўлдим... Менинг ватаним, менинг Элладам бу – Сухуми, кўча, Чалбаш; бу – Кока, Петя, Курлика, Фема, Қора денгиз, кўприк... – У бир ютиниб олиб, давом этди: – Бу – Мидда... қолаверса, сен...

... Аъзои баданим жимирлашиб кетди. Бунақа сўзларни умримда биринчи марта эшитяётган эдим.

– Бу нима бўлмаса? – Мен Янгулининг кўрагини

очиб, баланд овозда ўқидим: – Hellados.

– Бу – нақш, Жамол. Ватан – ичкарироқда, нақд юракнинг ўзида! – Янгули қўлини кўксига қўйди.

Дарҳақиқат, Янгулининг қалбида ота-бобоси туғилган Греция эмас, ўзи ўсиб улғайган Сухуми Ватан тимсолида эди. Оқибатда у ўзини бу ватани учун, Жамолдан қизганиб аёвсиз муштлашган Сухумиси учун қурбон қилди. Гарчи муаллиф томонидан Янгулининг кемадан сақрагани ёки греклар минган кеманинг ҳалокатга учрагани ойдинлаштирилмай, мавҳумроқ тарзда қолдирилган эса-да, ўқувчи сифатида мен негадир юраги тубидаги Ватанидан айрилишни истамаган Янгулининг ўзини кемадан сувга отганига қаттиқ ишонаман ҳамда Янгулидаги бу фидоийлик уруш асоратлари ҳақидаги бир қанча асарлардан фарқли ўлароқ нақадар ҳаққоний, нақадар самимий ифода тоғганини таъкидлагим келади. Ахир ўзининг кичикина ватани – Венециан кўчасига бекиёс меҳр билан яшаган Янгули, тасаввуримда бунақанги қурбонликка шубҳасиз қодир эди...

Асар ҳақидаги ушбу хулосаларим билан балки Нодар Думбадзе ўз ҳикояси орқали инсонларга айтмоқчи бўлган гапларнинг ўндан бирини ҳам билдира олмаган бўлишим мумкин. Лекин асарнинг маъзани оз-моз чақиб етган даврларимдан бошлаб, то ханузгача китобларда, айрим тенгдошларим томонидан ватанга бағишлаб ёзилган бақирок шеърларда ёки ҳаётнинг ўзида ҳар қандай сохта ватанпарварлиқни кўриб қолсам, Янгулининг Жамолга қарата айтган ўша оловли сўзлари қулоқларим остида янграгандай туюлади: "Бу – нақш, Жамол! Ватан бундан ичкарироқда, нақ юракнинг ўзида бўлади!"

Байрам АЛИ

# ZAMONAVIY QAYNONALAR

yoki arosatda qolgan kelinlar

**Азалдан халқимизда чақалоқ туғилган кундан қирқ кунгача чилла сақланиб, гўдакка ва ёш онага алоҳида эҳтиром кўрсатиб келинган. Улар олдига бегоналарнинг кириши мумкин бўлмаган. Она-бола меҳри ана шу тарих шаклланиб, мустақамланиб борган. Асрлар оша шаклланиб, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган бу одат бугунги кунда замонавий тус олиб бормоқда.**

Ҳар бир аёл фарзандини дунёга келтириб, бағрига босиб, оналик бахтига муяссар бўлмагунча бу каби расм-русумларни тушунмайди, ҳис этмайди. Тўнғич фарзандим дунёга келганида 21 ёшда эдим, дея ҳикоя қилади Ҳамида опа. У пайтларда чақалоқларни туғруқхонадан олиб чиқиш анчайин дабдабага айланиб қолганди. Аммо ҳамма эркакларнинг ҳам имконияти етавермасди. Кимдир рафиқасининг эркаликларини кўтариб, уни замонавий машиналарда олиб чиқса, шароити бўлмаганлар автобусда ҳам олиб кетаверарди. Мен ҳам биринчи фарзандимни туғруқхонадан чиқишини тантананага айланишини жуда-жуда хоҳлагандим. Аммо... иримчи қайнонамнинг уйдабуронлиги сабаб, бу ниятимга етолмай қолдим. Туғруқхонадан чиқиб, уйга кетаётганимизда янги кийимларимни кийиб, ўзимга оро бериб, видеога тушишга тайёр бўлиб олдим. Шу пайт ҳамшира қизлар: "Уйдагаларингиз келишид, тезроқ бўлинг", дея хабар беришди. Ойнадан кўчага қарасам, қайнонам билан яна битта кампир "Жигули" машинасидан тушиб, туғруқхона эшиги томон келишяпти. Уларнинг олдида хўжайиним кулиб турибди. Жаҳлим чиқиб, "видео олиб келишмаса кетмай-

ман", деб туриб олдим. Ҳамшираю доя аёллар ўртага олиб, бир амаллаб уларнинг ёнига чиқишимга кўндиришди. Доя аёл чақалоқни қайнонамга бериб, суюнчини олиб, ичкарига қайтиб кириб кетди. Қайнонам боламнинг пешонасидан силаб, сўнг уни ёнидаги ёши улуг онахонга тутқазди. У ичидан нималарнидир пичирлаб, қандайдир дуо ўқиди. Қайнонамнинг бу қилғидан энсам қотиб, қовоғимни уюб олдим. Уйга келгач, остонадан ўтаётиб, бошимизга сочқилар сочишди. Оппоқ матодан пояндоз солинган, исириклар ҳиди анқиган уйга кирдик. Шундай қилиб, қайнонамнинг гапи билан айтганда, қишлоғимиздаги энг ёши улуг, кўша-қариб, невара-чеваралар кўриб, умргузаронликда ашаётган Умри момо бизникида қирқ кун қолиб кетди.

Боламнинг чилласи чиққунча минг турли урф-одатларни қилавериб, бошимни қотириб юборишди. Бола уни кунлик бўлганида бешикка боғлаш маросимини ўтказдик. Бешикка боғлашдан олдин қайнонам билан Умри момо болани чўмилтиришга тайёрлашди. Маросим бошланганидан олдин Умри момо эгнига оппоқ кўйлақларини кийиб, юз-кўлларини тозалаб ювиб, сўнг икки оёғини тоғарага солиб, чалиштириб ўтириб олди. Миттигина болам-

ни оёқлари орасига ўтқазиб, тузли сувга чўмилтирди. Унинг айтишича, чақалоқни чўмилтирадиган сувга озгина туз солиб юборилса, баданига ҳар хил тошмалар тошмайдиган, чайир бола бўлиб ўсаркан. Чақалоқни тоза сувга чўмилтириб бўлгач, оппоқ матога ўраб, унинг ҳар жойига озгина теккизиб "суф семирсин, суф семирсин" дея бир-икки марта суфлаб олгач, сўнг уни бешикка боғлашди. Менга эса болани бешикка боғлаётганда айтилаётган дуоларни ўргатди. Бешикда ётган болани қандай эмишни кўрсатиб беришди. Уша пайтларда мен "эзма" кампирларнинг расм-русумларидан ажабланиб, бироз норози бўлгандим. Аммо ана ўша инсонларнинг тарбиясини олиб кам бўлмаганимни кейинроқ тушундим.

Болаларимнинг барчасини қайнонам ҳамда Умри момонинг айтганларидек қилиб, ҳар хил инсу-жинслардан, ёмон назарлардан асраб катта қилдим. Болаларим ҳам руҳан, ҳам жисмонан соғлом бўлиб катта бўлишди. Аммо мен етолмаган орзуга кенжа овсиним етишди. У икки қиздан кейин ўғил кўрди. Туғруқхонадан чиқаётганида видео олиб келмасангиз чиқмайман, деб туриб олди. Уни ўзи айтганидек қилиб, дабдаба билан олиб чиқдик. Уйга келгач, чақалоқ тинмай ййглайвериш ҳаммани қон қилиб юборди. Охири уни болалар шифокорига олиб боришга мажбур бўлдик. Маълум бўлишича туғруқхонадан чиқаётганида овсиним ҳаяжонланганиданми, шошганиданми боланинг бошини машинанинг эшигига уриб олган экан. Шу-шу боласини қаратмаган табибу шифокорлар қолмади. Бола нуқсонли бўлиб қолди. Мана бугун ўзим ҳам қайнона бўлдим. Набираларимни туғруқхонадан келишини "дабдаба"га эмас, аъёнага айланттирдим.

Момоларимиз, қайноналаримиз кўллаб келаётган бу каби яхши одатлардан ўз ўрнида фойдаланаётган оналар орамизда кўп. Аммо, бундай урф-одатларга "эскича" ирим-сиримлар деб қаровчи, улардан юз ўгирувчи ўта замонавийлашган қайноналар сони кўпайиб бораётгани бизни ўйлантиради. Синглим биринчи фарзандини дунёга келтиргунча олти марта шифохонада ётиб чиқди, дейди дугонам Шарифа куюнчақлик билан. Қачон унга кўнғироқ қилсам, гўшакни қайнонаси кўтаради. Бир талай боҳонаю ваҳларни менга айтиб тажрибасиз синглимни қоралайди.

... Мен йўқлигимда томорқага тушиб, картошка чопибди. Боланинг тушиш хавфи бор экан...


...Полларни артаётиб, бир ўзи диванни кўтарибди, белидаги оғриқ кучайиб, ой тўлғоги бошланибди...

Хуллас, бир оёғи уйда, бир оёғи шифохонада бўлиб, синглим фарзандини дунёга келтирди. Аммо болани ўзи туға олмади. Шифокорлар жарроҳлик усулини кўллашга мажбур бўлишди. Синглимни на қайнонаси, на маҳалла шифокори ҳеч нарсдан огоҳлантормаган. Тўлғоқ бўлганганида белим оғрияпти, деб юраверган. Натижанда аҳоли оғирлашганидан сўнг, шифохонага олиб боришган. Ҳаммасидан кизиги кейин бошланди. Биринчи набираси дунёга келганидан хурсанд бўлган қайнонаси ўша кунлик гапдаги дугоналарига "ўтириш" қилиб, набирали бўлганини нишонлаб берган. Аммо синглимга туғруқхонадан кетишга рухсат беришганидан кейин қайнонаси билан хўжайини уни тўғри онамикига олиб боришибди: "Мен чақалоққа қарашни эпломайман. Чилласи чиққанидан кейин олиб кетамиз" деб ташлаб кетишибди. Шундан буён синглим онамикига олиб кетди. Лекин у бу уйда ўзини ноқулай ҳис қилапти. Ахир чиққан қиз чифирқидан ташқари, деган гап бежизга айтилмаган. Ўз ҳузур-ҳаловатини ўйлаб, авлодининг давомчисини илк қадамларидан қабул қилмаган қайнона ким деб аташ мумкин? Ахир бу болақайнинг асли ватани ота уйи эмасми?

Ифтихор

## ODINAXON OPANING SHIFOXONASI

Chekka hududdagi xotin-qizlarning joniga oro kirmoqda



Фаргона вилояти Учкўприк туманидаги Қирғиз қишлоғи туман марказидан анча олисда жойлашган. 2001 йилларда бирон юмуш билан марказга отланган одам соатлаб автобус кутиши, тирбанд автобусга чиқиб олганидан кейин эса бир амаллаб манзилга етгунча тик оёқда туриб кетиши керак эди. Шундай ҳолатда бирон касаллик безовта қилиб қолса борми... Бир кунни ҳарорати баланд чақалоғи билан автобусда ййглаб келган ёш она шифокор Одинахон Мадаминовага илтимос қилди: "Отажон, туман марказига касал болам билан етиб келгунимча минг хаёлга бордим. Қачон бизга ҳам қулай шароитлар яратиб берилар экан. Узингиз хусусий касалхона очсангиз яхши бўларди." Аёлнинг бу таклифи Одинахонни ҳам ўйлантириб қўйди.

– Дастлаб ўз таклифимни уйдагиларга айтганимда турмуш ўртоғим: "Бу ерлар дашт бўлса, ким ҳам сизнинг касалхонангизга келар эди..." – дея эътироз билдирди. Қураверайлик, ҳеч ким келмаса ўғилларимиздан бирини уйлаб қўямиз. Ана эски колхоз идораси ҳалиям бўш ётибди, деди. Раҳматли қайнотаси келини фикрига қўшилди. У кишининг далдаси билан янги касалхона қурилиши бошланди. Буни қарангки, ҳали касалхона битмасидан атрофидаги қишлоқлардан ҳам беморлар мурожаат қила бошлади.

Шифохона иккита торғина хонадан иборат бўлгани учун беморларни қабул қилиш жараёнида шифокор келини қийналиб қолаётганини кўрган Икром ака ўғилларини ёнига чақирди. Уларга бу шифохона ҳамқишлоқларига жуда

яхши ёрдам бераётганини таъкидлаб, бинони кенгайтириш борасида ёрдам беришларини сўради. Бир-биридан аҳил ака-укаларнинг кўллаб-қувватлашлари туфайли қисқа фурсатда шинам ва чиройли шифохона бунёд бўлди.

– Турмуш ўртоғим ва уч нафар фарзандим – Отабекжон, Ойбекжон, Дилшоҳонлар ҳам ҳаммиша менга ёрдам бериб келишган. Айниқса, ўғлим Ойбекжон болалигидан менинг касбимга ўзгача қизиқиш билан қаради. Андижон давлат тиббиёт институтини тамомлаб келиб, айна пайтда мен билан бирга фаолият

олиб бормоқда. Ўғлим хорижда ҳам бир муддат ўқиб, ўз малакасини ошириб келди. – дейди опа фарзандлари ютуғидан фахрланиб.

Ёш шифокор Ойбек Мадаминовнинг беморларга бўлган самимий муносабати, ўзига хос даволаш усуллари ва изланувчанлигидан Одинахон опанинг кўнгли хотиржам. Унинг ташаббуси билан шифохонанинг диагностика бўлими кенгайтирилиб, замонавий даволаш ускуналари билан жиҳозланмоқда.

– Ҳозирги кунда ривожланган давлатларда асосий эътибор касаллиқнинг олдини олиш, яъни вақтида ва тўғри ташхис қўйишга катта эътибор қаратилмоқда, – дейди Ойбек Мадаминов. – Хорижий давлатларда бўлган чоғимда аҳоли соғлом турмуш тарзига қатъий амал қилишини кўриб жуда ҳавасим келди. Мен беморлар билан мулоқотда бўлган чоғимда ҳар бир касаллик вақтида дам олмаслик, нотўғри овқатланиш каби ҳолатлар туфайли ривожланишини қайта-қайта таъкидлайман. Қолаверса, биз Ибн Сино авлодларимиз. Табиий гиёҳлардан

ва ўсимликлардан қанча кўп фойдалансам, шунча соғлигимизни авайлаган бўламан.

Шифокорлар билан суҳбатлашган чоғимизда қабулхонада беморлар анчагина кўпайиб қолганига гувоҳ бўлдик. Юқори қон босими туфайли навбатда турган беморлардан бири Насибхон Ҳамидова шундай деди:

– Қишлоғимизда ташкил этилган бу хусусий касалхона, нафақат бизнинг туманимиз, балки атрофимиздаги туманларда ҳам истиқомат қилаётган хотин-қизларга хизмат қилмоқда. Айниқса, бу шифохонадаги белгиланган нархлар жуда ҳамёнбоп. Қолаверса, керакли дори-дармонларни дорихоналардан излаб юрмаймиз. Узлари етказиб беришади.

Дашт шаббодаси гир-гир эсади. Мевалари ларзон пишиб ётган шафтолизор боғ ва сувлари тиниқ торта бошлаган арик бўйидаги сўлим шифохона эса ҳар доимгидек гавжум. "Соғлик-туман бойлик", дея бежиз таъкидлашмаган. Агар аёл соғлом бўлса, унинг oilаси фаровон, турмуш ўртоғи ва болаларининг кўнгли хотиржам бўлади. "Одина опанинг шифохонаси"дан қайтар эканмиз, нафақат туман ва шаҳар марказларида, балки опис қишлоқларда ҳам юртдошларимиз дунёқарашини ва турмуш тарзини ўзгартириб бораётганидан хурсанд бўлдик.

Зухра МЕЛИБОВА

oilavajamiyat@mail.ru

# SUVNI TEJASHNI QACHON O'RGANAMIZ?

**Ҳаётда бирон нарсанинг ўта муҳим ёки қимматли эканини таъкидлаш жоиз бўлса, "Сув билан ҳаводек зарур" деган иборани ишлатамиз. Бу бежиз эмас, албатта. Дарҳақиқат, сув ҳаётнинг дебодаси. Одам овқат эмасдан ҳам бир неча ҳафта яшаши мумкин, аммо сувсизликка бир ҳафтадан ортиқ чидай олмайди.**

Одам вужудининг 70 фоизи сувдан иборат, қоннинг 95 фоизи сувдир. Одам танасидаги суюқларнинг 31 фоизи ҳам сувдан ташкил топган. Танамиздаги намлик мувозанатини сақлаш учун кунига 2-3 литр сув ичишимиз керак. Инсон саломатлиги борасида тиббиёт ходимларининг бир кунда қанча ва қандай сув истеъмол қилиш борасидаги маслаҳат ва тавсиялари алоҳида мавзу. Бугун бизни ўйлантираётган масала — ичимлик сувининг ҳаддан ташқари исроф қилинаётганлигидир. Ҳар куни истеъмол қилаётган сувни тежаш ҳақида нималарни биламиз?

Сувни тежашни дастлаб ўзимиздан бошлаш керак бўлади. Кузатувлар натижасида шу нарсага амин бўлдимки, биз бу неъматни унчалик ҳам қадрига етмас эканмиз. Бунга мисол қилиб ёз бўйи (айниқса, биринчи қаватда яшайдиганлар) ҳовлисидидаги пластик бассейнларни сувга ўлдириб чўмиладиганларни, жўмракка резина шланг улаб истаганча сувни оқизиб гилам, машина юваётган кўшиларида сувни йиғиб олиш мумкин. Шундай пайтда кўпқаватли уйнинг кириш йўлакларига қўлмақ сувдан "кичик денгиз ҳосил қилган" ён кўшнисига ўтган ҳам, қайтган ҳам бир оғиз: "Э оғайни, бу ичимлик суви-ку! Нега исроф қиляпсан?" — деган саволи бериши дарғумон. Ма-

бодо берса ҳам: "Сенга нима, ишлатадиган мен, пулни тўлагандан кейин хоҳлаганимча ишлатаман, бор, йўлингдан қолма!" дея даки эшитиши тайин. Энди пулни тўласа хоҳлаганча исроф қилиш дегани эмас. Ўзим ҳам яқинда бир исрофгарчиликка йўл қўйдим. Ўтган ой болаларнинг ёзги таътили баҳона 2 ҳафта қишлоқда бўлдим. Кетишда совуқ сувнинг мурватини шахтадан маҳкамлашни унутибман. Уни-тазнинг резинаси эскиргани сабаб сув тўхтамай, нобопроқ ишлатётган эди. Муттасил оқиб турган сувнинг йўли янада кенгайиб, тутқич батамом ишдан чиқибди. Суви жилдираб оқиб турган ҳожатхонанинг ҳисоблагичига қарайман. 220 куб сув беҳудага оқиб кетибди. Ҳар доим 100-120 куб сувни 2, 2,5 ой ишлатар эдик. Ҳаммасига эътиборсизлигим сабаб. Икки баравар пул тўлаганимдан кейин тезда носоз жўмракни таъмирлаб қўйдим. Агар шу ишни олдинроқ қилганимда шунча сув ҳам исроф бўлмас эди. Беқунгликнинг оқибатини ишхонамдагиларга айтсам, ҳамкасб опаларимиздан бири беҳудага оқиб увол бўлган сувдан

**Мутахассисларнинг таъкидлашича, 25-30 йил давомида дунёда ичимлик сув захираси икки баравар қисқаради. Бугунги кунда ер юзидаги сувнинг атиги 3 фозини чучук сув ташкил этади. Чучук сув захираларининг 75 фозиси айсберг ва музликлардан иборат бўлиб, қолган қисми ер юзидадир.**

ёзгириб қолди. Унинг хонадонидан ҳам худди шундай ҳолат 6 ой давом этибди. Яқинда уйига нимадир иш билан келган сантехник бир йўла ҳожатхонадан оқиб ётган сувни ҳам тўхтатиб кетибди. Ҳамкасбим гап орасида турмуш ўртоғи сув ҳисоблагич ўрнатмаганлиги учун хотиржам юрганлигини, оқса ҳам, оқмас ҳам, барибир таъриф бўйича киши бошига пул тўлайманку дея пинагини бузмасдан рўзгорда шундай ишлар чиқиб қолса, ортиқча чиқим қилиб, албатта, сантехник чақиритишни, вақтида ўғилларидан бири кундалик ҳаётда зарур бўладиган жўмрак тўғрилаш, мурват тузатиш каби хунар ўргатишга бермаганидан афсусланди.

— Аҳоли ўртасида, биринчи навбатда, сувдан фойдаланиш маданиятини шакллантиришимиз керак, — дейди Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги матбуот хизмати раҳбари Алипошша Аҳмедов. — Бу борада ичимлик сувидан оқилона фойдаланиш, уни асраш, исроф қилмаслик борасида ижтимоий реклама, тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бораёلمиз. Бугун юртимизда ичимлик сувининг нархи у қадар қиммат бўлмаса-да, қарздорлик кўрсаткичлари юқори ҳудудлар бор, айрим истеъмолчилар йиллаб тўламасдан келаётгани етмагандек, исрофгарчиликка ҳам йўл қўйишмоқда. Кўча-кўйда тасодифан ёрилган қувурдан сизиб чиққан сувни кўрган ҳар бир истеъмолчи, албатта, ваколатли органга мурожаат қилиши керак. Афсуски, бундай ҳолларда вазиятни кўра билма туриб, кўпчилик безъетибор индамай ўтиб кетаверишади. Натижада анчагина сув исроф бўлган, биз хабар топамиз. Бу борада юрдошларимизни истеъмолчи сифатида фаол бўлишга чақирамиз. Агар ким қаердадир исроф бўлаётган ичимлик сувини кўрса, дарҳол суратга олиб, манзилни ёзиб, вазирликнинг ижтимоий тармоқлардаги саҳифасига телеграмм каналимизга

ташларини илтимоос қиламиз. Шунда биз сувни тежаш оғина бўлса-да, ўз ҳиссамизни қўшиб, юртимизнинг энг олис қишлоқларига ичимлик суви етиб боришига имконият яратган бўламиз.

Биргина "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари доирасида 2019 йилда республикадаги 159 та туманининг 567 та қишлоқларида ичимлик сув таъминоти тизимини яхшилаш мақсадида 2749 км. ичимлик сув қувурлари ва 452 та сув иншоотлари қуриш ҳамда реконструкция ишларини амалга оширилиши ва 120 мингдан ортиқ аҳолининг ичимлик сув таъминоти яхшиланиши кўзда тутилган.

Айни пайтда юқорида кўрсатилган ишларни амалга ошириш учун "Сув таъминоти ва оқова сув тизимларини ривожлантириш" жамғармаси ҳисобидан 387,8 млрд. сўм маблағлар ажратилди.

Оролбўйи ҳудудини ривожлантириш дастури доирасида 126,7 млрд. сўм маблағ ҳисобидан 109 та объектларда қурилиш-монтаж ишлари белгиланиб, мазкур объектларда 543,8 км. ичимлик сув, 7,6 км. оқова сув тармоқлари ва 5 та ичимлик сув иншоотлари қуриш ва реконструкция ишлари режалаштирилган. Бажарилаётган ишлар натижасида 150 мингдан ортиқ аҳолининг марказлашган ичимлик сув таъминоти яхшиланади.

Демак, юртимизда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашда бир қатор тизимли ислохотлар олиб борилаётган бир пайтда нега биз исрофгарчиликка йўл қўйяпмиз. Узоққа бармайлик, мамлакатимизнинг жануби Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида ҳали ҳам ичимлик суви долзарб муаммо эканлигини, кўпчилик хонадон эгалари чорва учун алоҳида, ўзи учун алоҳида сувни сотиб олиб, махсус қудуқларда сақлаётгани ҳақиқат-ку!

Мутахассисларнинг таъкидлашича, 25-30 йил давомида дунёда ичимлик сув захираси икки баравар қисқаради. Бугунги кунда ер юзидаги сувнинг атиги 3 фозини чучук сув ташкил этади. Чучук сув захираларининг 75 фозиси айсберг ва музликлардан иборат бўлиб, қолган қисми ер юзидадир. Инсоният чучук сувларнинг атиги бир фозидангина фойдалана олади, холос. Айни дамда ер юзидаги аҳолининг 2,3 миллиардини сув билан таъминлаш масаласи муаммо бўлиб турибди. Бир ярим миллиард аҳоли эса тоза ичимлик сувиغا муҳтож.

Демак, бугун сувга муносабат фақат иқтисодий эмас, маънавий-ахлоқий масала эканлигини унутмаслигимиз керак. Бундай қарашни ҳар кимнинг феъл-атворида, маданияти, унинг сувга бўлган муносабатига қараб белгиллаш мумкин. Шундай экан, келинг, сувни тежашни ҳозирдан оғир ўрганайлик. Бу неъматни миллий қадрият даражасига кўтариш ўз қўлимизда!


**Бектош ИСМОИЛОВ,**  
"Оила ва жамият" муҳбири.

*Биз одатда жамиятимиз ҳаётига қарши қаратилган хавф-хатарлар ҳақида гапирганда кўпинча четдан кирадиган таҳдидларни тушунамиз, лекин эски замондан қолган салбий ҳолатлар афсуски, бугунги тинч ва ёруғ ҳаётимизга соя солиб турибди. Лоқайдлик, бир-бирини кўролмаслик, оилада эр-хотин, қайнона-келин, кўни-қўшнилари ўртасида келишмовчилик, аёлларга беписанд қараш, бундай ярамас иллатлар бизга, бизнинг халқимизга мутлақо ярашмайди.*

**Шавкат Мирзиёев.**

Маълумки инсоннинг тақдир келажақ ҳаётидаги ютуқлари ёки муваффақиятсизлиги, бахтли ёки бахтсизлиги, касб танлаши ҳатто кайфияти унинг оилавий муҳити билан боғлиқдир. Оила жамиятнинг асосий бўлини, у авлодлар давомчилигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, шунингдек, фарзандларни вояга етказиб, давлат ва жамиятнинг келгуси ҳаётига таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғидир. Ҳаммамизга маълумки, бугунги глобаллашув шиддати тараққий

## OILA TINCH BO‘LSA...



ахборотлашув шароитида баъзи оилалардаги носоглом муҳитнинг салбий таъсири натижасида оилавий кадрларнинг аҳамияти йўқолиб бораётганлигини, бу эса оилавий тарбияга путур етказилаётганлигини гувоҳи бўляпмиз.

Оилада муаммолар кўп бўлиши табиий. Бу муаммолар катта ёки кичик, узоқ давом этаётган, ёки тез ҳал этиладиган муаммолар бўлиши мумкин. Лекин ушбу муаммоларнинг ичида

оила барқарорлигига, бахту-саодатига путур етказадиган ва ҳатто оиланинг парчаланишига олиб келадиган муаммолар борки, уни ҳал қилинишни кечиктириб бўлмайди. Бу муаммо оиладаги ҳуқуқ тартибининг бузилишидир. Бу айниқса, аёлларга нисбатан ишлатиладиган таҳқирли муносабат, яна аёлни жисмоний жазолаш, унга руҳий ва маънавий озор бериш. Яқинда бир аёл Оила ИАТга мурожаат қилди: куёви Россияда, телефон

орқали қизининг шахсиятига тегиб, унга бўхтон қилаётганини айтиб, куёви қизига юборган хабарларни кўрсатди. Хабарларни ўқиб этларим жимирлаб кетди. Наҳотки, эркак ўзининг жуфти ҳалоллигига шундай муносабатда бўлса, уни шу даражада таҳқирласа. Қизим яшашни хоҳламайман, ажрашаман деб турибди, деди аёл. Аёлга далла бердим. Оила муқаддаслигини тушунтирдим. Қизи сабрли бўлишини, куёви ҳам бир кун хатосини тушуниб етишини айтдим. Уйлаиб қолдим. Қани, бизнинг асрлар давомида сақланиб келинаётган шарқона муомала ва муро-са қилиш одобларимиз?! Арзимаган сабабларни ва ж қилиб жанжаллашадиган ва оқибатда беайб айбдор бўлиб келаётган келинлар, ажрим билан тугаётган оилалар, қайнона-келин мур-росасизликлари туфайли рўзгоридан кут-барака учиб кетаётган оилаларни кўриб қалбинг ларзага тушади. Шу ўринда Ўзбекистон қаҳрамони, марҳум шоиримиз А.Ориповнинг қуйидаги тўртлиги эсимга келди:

**Филга айланибсан чумоли нечун?**

**Рўзгоримдан кўнглим**

**тўқлиги учун.**

**Чумоли бўлибсан сўйла,**

**фил нечун ?**

**Рўзгоримда тинчлигим**

**йўқлиги учун.**

Шундай экан, азизлар, қачонки, оиламиз тинч ва осойишта бўлса юрт тинч, мамлакат обод бўлади.

**Зулхумор РАЗЗОҚОВА,**

**“Оила”ИАТ маркази Бухоро ту- ман раҳбари.**

## XORAZM VILOYATI SHOYOT TUMANIDAGI “SHIDDAT MONOLIT” XK JAMOASI

*Ўзбекистон халқини Мустақиллик байрами билан табриклайди!*

*Азиз ва ягона, жонажон Ўзбекистонимизни гуллаб яшнаши, унинг фаровонлиги йўлида сизларни куч-қувват ҳеч қачон тарк этмасин. Юртимиз доимо тинч, хонадонларимиз обод, дастурхонларимиз тўкин бўлсин!*

Хизматлар лицензияланган

# TARVUZ — XUSHXO'R VA SHIFOBAXSH

Ёз фаслининг энг кўп истеъмол қилинадиган полиз маҳсулотларидан бири бу тарвуздир. Ҳар бир табиий неъматнинг инсон соғлигига фойдаси бўлгани каби, биз энг кўп истеъмол қиладиган тарвузнинг ҳам саломатлигимизга фойдаси бисёр экан.

## ЧАНҚОҚ БОСДИ

Тарвузнинг 91 фоиз қисми сувдан иборат бўлиши билан бирга, калорияли полиз маҳсулоти ҳисобланади. Шунинг учун ҳам тарвуз ажойиб чанқоқ босди ҳисобланади. У диабет билан хасталанган беморларда учрайдиган оғиз қуриши, қалтироқни тез босиб, аҳволнинг яхшиланишига хизмат қилади.

Тарвуз А ва В витаминига бой, шунинг учун у кўз нурини равшанлаштиради, ақлий қобилиятни кўтарди, тиниқ фикрлашга ва хотиранинг яхшиланишига хизмат қилади.

## ФОЛИЙ КИСЛОТАГА БОЙ

Тарвуз бошқа мева сабзавотлар қатори темир, калий ва магний моддалари, В, А, С витаминларига бой. Шу билан бирга унинг яна бир аҳамиятли жиҳати, таркибида фолий кислотанинг кўплигидир. Фолий кислотаси ҳомиладор аёллар учун ниҳоятда фойдали. Шундай экан, бўлажак оналар тарвузни кунора, 2-3 тилимдан ейишлари айна мундоқ. Тарвузнинг кучли сийдик ҳайдовчи таъсирга эгалигини ҳам биласиз. Лекин ҳомиладорликнинг сўнги ойларида тарвуз ейишда меъёрни билмоқ керак. Акс ҳолда сийдик пуфаги кенгайиб, атрофидаги бошқа ички аъзолар, шу жумладан бачадонга ҳам оғриқ келтириши мумкин.

## МОДДАЛАР БИЛАН "БОҚИЛГАН"И ЗАРАРЛИ

Тарвузни етиштиришда турли хил кимёвий ўғитлар, шу жумладан, нитратлар қўшилишидан хабаримиз бор. Асли нитратлар организм учун зарарли эмас, аммо улар ошқозонга тушгач, ичакларда нитрат моддаси йиғилиб хавф туғдириши мумкин. Тарвузнинг истеъмолга яроқчилигини текшириш учун унинг кесилган бир бўлагини сувга солиб кўришнинг ўзи kiffoя. Агар 1-1,5 соатлардан кейин сув озгина хиралашса, тарвуз ейишга яроқлидир. Агар сув тўқ пушти, қизил ёки оловранга кирса, уни ташлаб юборган маъқул.

Агар ёзбўйи нитрат билан «боқилган» тарвузни кўп есангиз, энгил ҳолатда бирон ичак касаллиги мисол учун ичбуруғ, хасталигини ортириб олишингиз ҳеч гапмас. Шунинг учун ҳам бу полиз маҳсулотини

табиий пишган даврида — июль охири ва август бошида таноовул қилган маъқул.

## АСАБИЙЛАШГАНДА...

Таркибида кўп миқдорда магний сақлаган тарвуз — юрак ва буйрак учун фойдали. 100 грамм тарвузда организм учун керакли бўлган магнийнинг 60 фоизи мужассам. Магний мушаққатли оғриқлар, зўриқиш, чарқоқ ва асабийликда ҳам қорқелиши исботланган. Асабийлашадиган, уйқунгиз қочадиган бўлса, кунни бўйи тарвуз энг, ҳаммаси жойига тушади. Мутахассисларнинг айтишича, фой-

да бериши учун бу парҳезни камида 5 кун давом эттириш керак.

## ДАНАГИ ҲАМ ШИФО

Баъзилар тарвуз данагини ютиб юборса, ичак буралиб қолиши мумкин деб ўйлайди. Аслида эса тарвуз данаги қон босимини тушириши, гижжадан организмни тозалаши, атеросклероз ва диабет касалида даво бўлиши, қонни кўпайтириши мумкин экан. Лекин бунинг учун уларни бутунлигича ютиш эмас, офтобда қуритиб, майда кукун ҳолига келтириб, ярим чой қошиқдан наҳор вақтида сув билан ичиш керак.

## СПОРТЧИЛАРГА КОНИ ФОЙДА

Тарвузда L-цитруллин — аминокислотаси кўп бўлиб, бу бўғимлар орасидаги оғриқни тўхтатади. Агар машғулотдан

кейин бўғимларингизда ачишиш ва оғриқ сезилишини хоҳламасангиз, у ҳолда машғулотдан аввал янги тарвузнинг 1/3 қисмидан тайёрланган шарбатни ичиш тавсия қилинади.

## ОЗМОҚЧИ БЎЛСАНГИЗ

Тарвуз организмдан суюқликни тез чиқаргани боис, 2 кундаёқ 2 кило вазн ташлашингиз аниқ, Яна тўқтутар бўлгани учун уни истеъмол қилганда қорин оч қолмайди. «Тарвузли парҳез» нинг фойдаси беқиёс — бир ҳафта ичида 5-6 килограммга осон озишингиз ва организмни ортиқча тузлар, қонни эса холестериндан тозалашингиз мумкин. Лекин бу парҳез буйраги оғрийдиган, буйраги ёки ўт қолида тоши бор, қон босими кўтарилиб тушадиганлар учун эмас. Яна тарвузли парҳез 3 кундан ортиқ давом эттирилмаслигига ҳам диққат қилинг.

## ТАРВУЗ ТАНЛАГАНДА

Тарвуз танлаётганда ўртача катталиқдагисига эътибор беринг, унинг оғирлиги 5-7 кг. дан ошмаслиги лозим.

Шакли яссироқ тарвузлар энг ширини ҳисобланади, уларнинг данаги ҳам камроқ бўлади.

Тарвузнинг банди қуриган ва сариқ бўлиши керак — бу унинг пишганлигининг белгисидир. Тарвузнинг яшил банди унинг етилмаганлигини билдиради.

Тарвузнинг етилганлигини уни уриб кўриб ҳам билиш мумкин: унинг овози бўғикроқ бўлиши керак ва сиқиб кўрилганда тарсиллаши керак.

Яна тарвузни кесганда усти гадир-будирлигига ҳам аҳамият беринг. Юзаси силлик, ранги пушти ёки ҳаддан зиёд тўқ қизил ёки сарғиш бўлса, бу тарвузни емаган маъқул.

## ЭХТИЁТ БЎЛИНГ!

Тарвуз таркибидаги клетчатка моддаси овқатнинг тез ва мулоим ҳазм бўлишини тامينлайди, аммо ошқозонда бирон муаммоси бўлганлар учун зарар қилиши, ичкетарни келтириб чиқариб, организмни сувсизлантириб қуйиши ҳам мумкин.

Интернет маълумотлари асосида Васила тайёрлади.

Тарвуз танлаётганда ўртача катталиқдагисига эътибор беринг, унинг оғирлиги 5-7 кг. дан ошмаслиги лозим.

Тарвузнинг банди қуриган ва сариқ бўлиши керак — бу унинг пишганлигининг белгисидир.

Тарвузнинг яшил банди унинг етилмаганлигини билдиради.

**Mineral moddalar**  
Ca Mg Fe Cu Mn Na Zn K

**Vitaminlar**  
A B C E PP

Тарвуз данаги қон босимини тушириши, гижжадан организмни тозалаши, атеросклероз ва диабет касалида даво бўлиши, қонни кўпайтириши мумкин.

Тарвуз А ва В витаминига бой, шунинг учун у кўз нурини равшанлаштиради, ақлий қобилиятни кўтарди, тиниқ фикрлашга ва хотиранинг яхшиланишига хизмат қилади.

Тарвуз организмдан суюқликни тез чиқаргани боис, 2 кундаёқ 2 кило вазн ташлашингиз аниқ. Яна тўқтутар бўлгани учун уни истеъмол қилганда қорин оч қолмайди.

Тарвузнинг 91 фоиз қисми сувдан иборат бўлиши билан бирга, калорияли полиз маҳсулоти ҳисобланади. Шунинг учун ҳам тарвуз ажойиб чанқоқ босди ҳисобланади. У диабет билан хасталанган беморларда учрайдиган оғиз қуриши, қалтироқни тез босиб, аҳволнинг яхшиланишига хизмат қилади.

# МАКТАВ BOZORIGA BIR NAZAR

sifat birinchimi yoki son?

## Ҳаммасини олсангиз арзон бўлади

Маълумотларга кўра, мактаб бозорларининг 293 таси аҳоли гавжум бозорлар ҳудуди ва атрофларида, 528 таси йирик савдо мажмуаси ва дўконларида, 931 таси умумий ўрта мактабларида ташкил этилган. Ушбу бозорларда 26 турдаги ўқув қуроллари ва жиҳозлари тақдим этилган.

Юртимиз бозорларида ташкил этилган бир неча мактаб ярмаркаларида бўлиб, нарх-наво ва харидорлар фикри билан қизиқдик.

“Дўстлик” бозори мактаб ярмаркасига киришимиз билан, бир аёл ва сотувчи ўртасидаги тортишувга гувоҳ бўлдик.

– 36 varaқли дафтарингизни бир ўрами неча сўм турди?

– Ўқув қуролларининг ҳаммасини биздан сотиб олсангиз 12 минг, дафтарнинг ўзини олсангиз 16 минг сўм, – деди сотувчи хотиржам.

– Бу қанақаси бўлди, мактаб бозорига бўлса 4 минг арзон, бўлмаса 4 минг қимматига оламан, тавба, демак ҳаммасини фақат сиздан сотиб олишим керак, шундайми?

Сотувчи боши билан ҳа, ишорасидан сўнг вазиятни тушунган аёлнинг ҳафсаласи биров пир бўлди. “Учта фарзандим мактабда ўқийди, ҳаммасига ҳам тўлиқ мактаб бозори қилиб беролмайман, пулим камроқ. Ҳозирча икки ўрам дафтар билан яна бир-иккита майда-чуйда оламан, арзонроқ қилиб бера қолинг”, дея ёлворган аёл сотувчидан рад жавобини олгач, бошқа савдо растасига ўтиб кетди.

Савдо расталаридаги нархлар билан қизиқдик. Бу ерда ручка 600 сўмдан 4000 сўмгача, қора қалам 1000 сўмдан 2000 сўмгача, умумий дафтар 1500 (36 varaқ), 1800 (48 varaқ), 12 varaқли дафтар 300 сўм (Ўзбекистонда ишлаб чиқарилгани), 400 сўм Россияники, рангли қалам тўплами 5000 сўмдан 35 минг сўмгача, ўчирғич 500 сўмдан 6000 сўмгача, қаламдон (пеналь) 6000 сўмдан 38 минг сўмгача, фломастер тўплами 6000 сўмдан 30 000 сўмгача, расм альбому 4000 сўмдан 18 минг сўмгача, қаламдон (пеналь) 6000 сўмдан 38 минг сўмгача, кундалик 1600 сўмдан 30 минг сўмгача, китоб муқоваси 4000 сўм (1-5-синфлар учун), 6000 сўм (6-11-синфлар учун), дафтар муқоваси 4000 сўм.

## ДАФТАР АРЗОН БЎЛИШINI КУТАЁТГАНЛАР

Бозордан қайтаётган ота боланинг суҳбатчи:

– Дада, синфдошим Камол-

нинг дадаси мактаб бошлангандан кейин бозор қилиб берар экан. Дадасининг айтишича, кейинчалик нарсаларнинг нархлари анча арзон бўлар экан.

Бундай фикрлайдиган ота-оналар анчагина. Нархлар тушишини умид қилиб фарзандини мактабга иккита дафтар ва битта ручка билан юбораётганлар бир ўйлаб кўринг-а, фарзандингиз атрофдаги синфдошларига қараб кўнгли ўксимасмикан?

Бир-икки сўм арзонига оламан деб болангиздан кўнглини куруқ мактабга юбориш яшшимикан? Болалар болалигига боради барибир. Бир-бирига дадаси олиб берган нарсаларни мактанишни, сеники унақа экан, сеники бунақа экан деган гапларни айтишдан қайтишмайди. Шундай экан ҳурматли ота-оналар, кўлингиздан келганча болангизнинг эҳтиёжларини қондиринг. Истаганингизча нархларни солиштириб, чўнтагингиз кўтарган бозордан харид қилинг.

## “КЎЁШЛИ”ДА АРЗОНМИ?

Пойтахтимиздаги “Кўёшли” бозорига ҳам ўқув қуроллари улгуржи нархларда сотилмоқда. Ушбу бозордаги ўқув анжонларининг ҳам нархлари билан таништириб ўтамыз: Ручка 800 сўмдан 1200 сўмгача, қора қалам 850 сўмдан 1000 сўмгача, умумий дафтар 1150 сўмдан 2700 сўмгача (varaқлари сонига қараб), 12 varaқли дафтар маҳаллий ишлаб чиқарувчиларники 385 сўм, чет элники эса 410 сўм, рангли қалам тўплами 12 минг сўмдан бошланади, қаламтарош 2500 сўмдан бошланади (сифати ва шаклига қараб нархи ошиб боради), фломастер тўплами 11 минг сўмдан бошланади, расм альбому 4000 сўмдан бошланади, қаламдон (пеналь) турига қараб пули белгиланади 5000 сўмдан бошланади, чидамлироқ деб ҳисоблангани 20 минг сўмдан юқори, кундалик 2000 сўм ва 9000 сўм (қаттиқ ва юмшоқ муқовасига қараб), рангли бўёқлар 9500 сўмдан бошланади, китоб муқоваси 2000 сўм (1-6-синфлар учун), 3000 сўм (7-11-синфлар учун), дафтар муқоваси (20-24 та) 2500-4000 сўм.

– Бошқа бозор расталаридадан нархлар арзонроқ дея мактаб бозорини ҳар йили шу ердан қиламиз, – дейди Дилобар исмли аёл. – Қўшим билан бирга келиб улгуржи нархларда сотиб олар эканмиз, пулимиз анча тежалганидан хурсанд бўлдик.

## ХАРИДОРЛАР БИЛМАЙДИ-ГАН ТОМОНЛАРИ ҲАМ БОР

Бозорларда ҳамма савдо расталаридаги нархлар ҳам

бир хил эмаслиги кишини ўйга солади? Шу ердаги бир сотувчидан бунинг сабабини сўрадик. Уларнинг айтишича, битта маҳсулотни 50 сўм арзон қилиш эвазига бошқа маҳсулот устига ўша нарх қўйилади. Шундай экан харидорлар билмайдиган ва эътибор қилмайдиган томонлари ҳам бисёр. Харидорни жалб қилиш учун ўқув қуролларининг нархи ҳар қимда ҳар хил, деб ҳисоблаймиз, шунинг учун ҳам иккиланамиз. Аслида эса харид қилаётганда қайси жой ва сотувчидан қатъий назар охириги ҳисобланган сўмма деярли (кўпинча) бир хил бўлади.

Бозорларда доимий ишловчи, алоҳида китоб-дафтар сотиш билан шуғулланадиган дўконларда эса нархлар улгуржи бозорга қараганда 200 сўмдан 1000 сўмгача қимматроқ.

## ХОРИЖНИКИ СИФАТЛИМИ?

Шунингдек, озиқ-овқатни ҳам, кийим-кечакни ҳам супермаркетлардан пластик карта билан харид қилишга одатланган харидорлар учун шаҳримизда кўплаб филиаллари бўлган Korzinka.uz ва Макго йирик савдо мажмуаларида ҳам мактаб бозорлари ташкил этилган.

Korzinka.uz дўконлар тармоғидаги мактаб бозорларида 36 varaқли умумий дафтар 1290 сўм бўлса, 48 varaқлиси 1490 сўм, 96 varaқли дафтар эса 2990 сўм турибди. Рангли қалам тўпламини 11 990 сўм, расм альбомуни 4990 сўм, кундаликнинг энг арзонини 1990 сўмдан бошлаб топиш мумкин. Макго дўконларида умумий дафтар 1890 сўм (36 varaқли), 2290 сўм (48 varaқли), 4290 сўм (96 varaқли), ручка 990 сўмдан бошланади. Расм альбому 4090 сўм этиб белгиланган.


## Зилола Рашидова банк ҳо-ДИМИ:

– Биз асосан йирик савдо дўконларидан харид қиламиз. Korzinka.uz да ҳам мактаб бошланиш арафасида ҳар йили сифатли ўқув қуроллари ҳамёнбол нархларда сотилади. Фарзандларимга керакли ҳамма ўқув қуролларини шу ердан харид қилиб қўя қоламан. Тўғри, баъзи ўқув қуролларининг нархи мактаб ярмаркаларидан қимматроқ, лекин бу ерда кўпчилик маҳсулотлар чет элники, шунинг учун ҳам оғинмасдан сотиб оламан. Фарзандларим сифатли нарсалар ишлатишини истаيمان.

Ҳамма жойнинг тошу тарозиси бор деганларидек, бозорларнинг ҳам ўз нархи, харидори бор.

## Василабону ҲАБИБУЛЛАЕВА, “Oila va jamiyat” муҳбири.

Газетанинг навбатдаги сони 2019 йил 11 сентябрь кунини чиқади



12 varaқли дафтар 300 сўм (Ўзбекистонда ишлаб чиқарилгани) 400 сўм Россияники

умумий дафтар 1500 (36 varaқ), 1800 (48 varaқ),

ручка 600 сўмдан 4000 сўмгача

қора қалам 1000 сўмдан 2000 сўмгача

рангли қалам тўплами 5000 сўмдан 35 минг сўмгача

ўчирғич 500 сўмдан 6000 сўмгача

қаламдон (пеналь) 6000 сўмдан 38 минг сўмгача

фломастер тўплами 6000 сўмдан 30 000 сўмгача

Ўқув йили бошланишига санокли кунлар қолди. Шу сабабли ҳам мактаб бозорлари гавжум. Баъзи бозор ярмаркаларида харидорлар сотувчилардан кўп бўлса, айримларида эса сотувчилар харидорлардан кўп. Ота-оналар фарзандларига мактаб формаси ва ўқув қуроллари сотиб олиб, янги ўқув йилини бошлаш арафасидалар. Ота-оналарга қулайлик яратиш мақсадида ҳар йилгидек юртимизда мактаб бозорлари ташкил этилган.

**Oila va jamiyat**  
Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газета

Буна индекси – 176

**МУАССИСЛАР:**  
Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, “Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш” ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди

Бош муҳаррир в.б.: Акбар ҚАРШИЕВ

**МАНЗИЛИМИЗ:**  
Тошкент – 100000.  
Амир Темури кўчаси  
1-тор кўча, 2-уй.  
Қабулхона: (факс) 233-28-20,  
Котибият: 233-04-35, 234-76-08  
E-mail: oilavajamiyat@mail.ru  
Web-site: oila-va-jamiyat.uz

Газета 2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169 рақами билан рўйхатга олинган. Буюртма Г – 836. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ. Адади – 2208. Баҳоси келишилган нархда.

Босишга топшириш вақти – 15:00  
Топширилди – 15:00  
Навбатчи: Б. Исмоилов  
Мусаҳҳих: С. Сайдалимов  
Саҳифаловчи: А. Маликов

ISSN 2010-7609



Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланган. 1 2 3